

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кўлёзма ҳукукида
УДК: 331.(575.1)

РАСТРИГИНА ЕКАТЕРИНА

ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА КОРХОНА ВА
ТАШКИЛОТЛАРДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ
(Наманган вилояти мисолида)

5А340201 “МЕНЕЖМЕНТ” (ИШЛАБ ЧИҚАРИШ)

Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф. Т.Э.Эргашев

Наманган-2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3	
I-БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИ, ИШ ЖОЙЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.....	9
1.1	Меҳнат бозорининг назарий асослари, бандлик ва ишсизликнинг моҳияти.....	9
1.2	Меҳнат бозорининг шаклланиши ва унга социал-демографик омилларнинг таъсири	19
1.3	Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида республикамизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш.....	23
II-БОБ	НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАРМОҚЛАРАРО ХУСУСИЯТЛАРИ	
2.1	Наманган вилоятида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш.....	38
2.2.	Наманган вилояти иқтисодиёт тармоқларида меҳнат ресурсларини бандлигини оширишнинг ташкилий асослари.....	48
2.3	Наманган вилоятида янги иш ўринларини яратиш ва меҳнат ресурсларини самарали бошқариш.....	56
III-БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	66
3.1	Янги иш ўринларини ташкил этиш ва меҳнат ресурсларини бандлигини ошириш йўналишлари	66
3.2	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш	73
	Хулоса.....	84
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	89
	Иловалар.....	95

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашдан иборатдир. Чунки ҳар бир инсонга меҳнат қилиш ҳуқуқидан иложи борича тўлароқ фойдаланиши учун имкониятлар яратиш ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифалари қаторига киради. Айти пайтда, иш билан бандликнинг ўсиши аҳоли турмуш даражаси ва даромадларининг ошишини ҳам таъминлайди.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда юртимизда замонавий меҳнат бозори шаклланди-мустақиллик йилларида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 фоизидан зиёди саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келади. Айтиқса, шаҳар ва қишлоқларда биринчи навбатда хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини берадиган, йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида ташкил этиладиган касаначилик жадал ривожлана бошлаганини таъкидлаш лозим”.¹ Шу боис иш жойлари ташкил этишни такомиллаштириш ва ривожлантириш орқали бандлик даражаси ва тадбиркорликни кўтариш, меҳнатга бўлган муносабатни халқаро андозаларга олиб чиқиш, иш жойлари ташкил этишнинг оқилона, самарали ҳал қилиш тизимини яратиш эвазига миллий иқтисодиётни ривожлантириш долзарб аҳамиятга эгадир.

Дунёнинг барча давлатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, ишсизлик муаммоларини бартараф этиш давлат олдида турган доимий долзарб вазифалардан бири саналади. Қолаверса, ўзига хос табиий, тарихий ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида шаклланган меҳнат ресурсларига эга бўлган

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007.42-б.

Ўзбекистонда ишсизлик муаммосини бартараф этиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Зеро, “...бу йўналишда амалга оширилган ишларга қарамасдан вақтинчалик ишларда банд бўлганлар сони салкам 300 минг кишини ташкил этганлиги, 560 мингдан зиёд киши ёки меҳнатга лаёқатли фаол аҳолининг қарийб 5 фоизи ишга жойлашишга мухтож эканлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бундай ҳолат аҳоли бандлиги муаммолари ҳали бери ижтимоий сиёсатнинг зудлик билан хал қилиш талаб этиладиган ўткир ва долзарб масаласи бўлиб қолаётганлигини кўрсатади ва бу соҳада давлат ва жамоат ташкилотлари, аввало, маҳаллий ҳокимликлар томонидан олиб борилаётган барча ҳаракатларни янада кучайтириш талаб қилинади”²

Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса жуда кўп масала ва муаммолар ўз ечимини топмоғи керак. Хусусан, иш ўринлари ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ва самарали йўналишларини кўрсатиб бериш, айниқса, ижтимоий-иқтисодий табиий ва муаммолар кескин бўлган ҳудудларда иш жойлари ташкил этишни ривожлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

“Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди”³, деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А.Каримов.

² Каримов И.А Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. –Т.:”Ўзбекистон” НМИУ, 2007.21-б.

³ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

Маълумки, Наманган вилояти аҳолисининг тез ўсиши бўйича олдинги ўринларда туради. Бу ҳол бандлик тизими мукаммаллашмаган, аҳоли миллий республикада иқтисодиёт тармоқлари бўйича номутаносиб тақсимланган, иш жойлари, айниқса қишлоқ жойларида, етишмаётган вазиятда меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш, уларни сифат жihatдан такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали янги иш жойлари яратишнинг минтакавий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда яқин ва ҳолис истиқболдаги йўналишларини ишлаб чиқиш, иш ўринлари яратишнинг самарали услубларини татбиқ қилишни эътиборга олиш магистрлик диссертацияси мавзуси долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Меҳнат бозори, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, бандлик ва иш жойлари ташкил этиш муаммоси, унинг кўплаб қирралари россиялик иқтисодчи-олимлар Л.Леонтьева, В. Баркасов, С. Волков, В.Былков, Г. Руденко, Л. Покрытая, И. Маслова ва ўзбек иқтисодчи олимлари, хусусан, Қ.Х. Абдурахмонов, А.Абдуғаниев, Х.Абулқосимов, М.Йўлдошев, Л. Максакова, М. Мирзакаримова, Б. Муртазаев, Н. Нарзикулов, Д. Ортикова, Д.Рахимова, З.Толаметов, Т.Эргашев, З.Худойбердиев, Р.А.Убайдуллаева каби иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган ва уларнинг илмий ишларида муаммонинг айрим томонлари ёритилган.

Магистрлик диссертациянинг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Магистрлик диссертацияси Наманган муҳандислик-педагогика институти “Менежмент ва иқтисодиёт” кафедрасининг “Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш” мавзуси билан боғлиқ. Магистрлик диссертацияси кафедранинг илмий тадқиқотлар режаси, республикада меҳнат бозорини шакллантириш ва иш билан банд этиш юзасидан қабул қилинган қарор ва қоидалар ҳамда Наманган вилояти материаллари асосида, юқоридаги ишларга таянган ҳолда олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Тадқиқотнинг мақсади Наманган вилоятида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, иш жойлари ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганишдан иборат бўлиб, бунинг учун қуйидаги вазифаларни хал қилишга қаратилган:

- Меҳнат бозорининг назарий асослари, бандлик ва ишсизликнинг моҳияти ўрганиш;
- Меҳнат бозорининг шаклланиши ва унга социал-демографик омилларнинг таъсирини кўриб чиқиш;
- Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида республикада аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш ҳолатини ўрганиш;
- Наманган вилоятида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш ҳолатини таҳлил қилиш;
- Наманган вилоятида меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқларида бандлигини оширишнинг ташкилий асослари ўрганиш;
- Иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида янги иш ўринларини яратиш ва меҳнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг услубий асослари ва усуллари. Тадқиқотнинг услубий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, меҳнат бозори, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, улар бошқарувини такомиллаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, ривожлантиришга бағишланган хорижий ва республикаимиз етакчи олимларининг илмий асарларида баён қилинган назариялар ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий таққослаш, монографик ўрганиш, мантикий фикрлаш, статистик гуруҳлаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясида мавзуга тегишли Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Республика Президентининг фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Наманган вилояти

хокимлиги иқтисодиёт бошқармасининг статистик маълумотларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги: Наманган вилоятида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида янги иш ўринларини яратиш ва меҳнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Меҳнат бозорининг назарий асослари, бандлик ва ишсизликнинг моҳияти ўрганилди;
- Меҳнат бозорининг шаклланиши ва унга социал-демографик омилларнинг таъсири кўриб чиқилди;
- Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида республикада аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш ҳолати ўрганилди;
- Наманган вилоятида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш ҳолатини таҳлил қилинди;
- Наманган вилоятида меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқларида бандлигини оширишнинг ташкилий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди;
- Иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида янги иш ўринларини яратиш ва меҳнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот объекти сифатида Наманган вилояти меҳнат бозори танланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида янги иш ўринларини яратиш ва меҳнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Наманган вилоятида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни бошқариш, янги иш ўринларини яратишни ривожлантириш режаларини асослашда, Иқтисодиёт таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга «Меҳнат иқтисодиёти»,

«Инсон ресурсларини бошқариш», «Персонални бошқариш» фанларини ўқитишда, ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация ишининг асосий ғояси ва унинг мазмун-моҳияти, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида олинган натижалар, хулосалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар Наманган муҳандислик-педагогика институти магистрантларининг илмий семинарларида баён қилинган ва қуйидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокама этилган “Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мустақил таълим: жаҳон таълим тизими тажрибаси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси (2010 йил, Наманган), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”га бағишланган “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, тажриба ва истиқболлар” (2011 йил, Наманган).

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни Республика илмий-амалий конференциялари тўпламларидаги 3та илмий мақолаларда ўз ифодасини топган, улар «Персонални бошқариш тизимини такомиллаштириш» , “Динамика трудовых ресурсов Наманганской области” ва “Надомный труд - новый виток предпринимательства”.

Магистрлик диссертациясининг таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловалардан ташкил топган.

I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИ, ИШ ЖОЙЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.1. Меҳнат бозорининг назарий асослари, бандлик ва ишсизликнинг моҳияти

Ҳар бир назария меҳнат бозорининг амал қилиш механизми, ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида ўз нуқтаи назарига эга ва бу назарияларнинг ижобий, илғор томонлари талайгина.

Бозор иқтисодиёти даврида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда банлиги, ишсизлик масалалари нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда бу масалаларни аввало, назарий жиҳатдан ўрганиш муҳим ўрин тутди.

Аҳоли меҳнатда бандлик даражасини оширишда, ишсизликни олдини олишда ва меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштиришда инсон манфаатларини инобатга олувчи илғор умуқиқтисодий назариялар ютуқларига таянилиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат бозорининг иқтисодий тушунча сифатидаги моҳияти унинг турли ижтимоий-иқтисодий шароитлардаги хусусиятлари, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, тақсимот. Айирбошлаш ва фойдаланиш механизми, у ёки бу жамият иқтисодий муносабатлари тизимида бу тушунчанинг ўрни ва аҳамияти классик иқтисодиёт назарияси номояндалари ҳамда хорижий мамлакатлар машҳур иқтисодчи олимларининг тадқиқот предмети бўлган.

Хусусан, “меҳнат бозори” тушунчасига россиялик ва кўпгина ўзбек олимларининг ҳам ёндашувлари мавжуд.

Россиялик иқтисодчи олимлардан Л. Леонтьев, “меҳнат бозори” - иш берувчилар – ишлаб чиқариш воситалари эгалари ва ёлланувчилар – ишчи

кучи эгалари ўртасида қиймат асосида юзага келадиган меҳнат муносабатлари тизимининг бир қисмидир”⁴ деб таъриф беради.

В.Т. Баркасов эса “меҳнат бозори – ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик субъектлари ва ёлланувчиларнинг ўзаро муносабатда бўлувчи тизимидир”⁵, деб таърифлайди.

Шунингдек, меҳнат бозорига қуйидаги муаллифлар муносабат характерини, умуман аниқланмаган ҳолда ёндашадилар. Хусусан, С.И.Волков “меҳнат бозори – меҳнатни сотувчиси ва харидори ўртасидаги муносабатлар тизимидир”⁶, деб таърифласа, В.Г. Былков “меҳнат бозори - ишчи кучини тақсимлаш механизми ва меҳнатни реализация қилиш жараёнидаги муносабатлар тизимидир”⁷, дейди. Г.Г. Руденко ва Муртозаевлар эса меҳнат бозорига “ишчи кучининг товарлиги шароитида унинг шаклланиши, тақсимланиши ва ундан фойдаланиш бўйича муносабатлар тизими”⁸ сифатида қарайдилар.

Яна шундай мутахассислар гуруҳи мавжудки, улар муносабатларни етарли даражада кенг тавсифлайдилар. Хусусан, А. Котляр меҳнат бозорини моҳиятини аниқлашга бошқачароқ ёндашади, яъни унинг таъкидлашича, “иш жойларига нисбатан ишловчиларнинг ўз ишчи кучи юзасидан барча ҳаракатларига меҳнат бозори воситачилик қилади ва унда ишчи кучининг олди-сотдиси амалга ошади”⁹ деб таърифлайди ва кейинчалик ўз қарашларини давом эттириб, “меҳнат бозори – иш берувчи ва ёлланган ишчи кучи манфаатларига мос келувчи ижтимоий муносабатлар тизимидир”¹⁰ деб таърифласа, Л.А. Покрытая “меҳнат

⁴ Леонтьев Л. “Рынок труда” имеет право на существование. // Человек и труд. – Москва. 19951 - №11.- с. 21.

⁵ Баркасов В.Т. Предложение рабочей силы и заработная плата в механизме рынка труда. - Волгоград: Волгоград.юр.ин-т. 1996. – с. 2.

⁶ Волков С.И. Экономический механизм достижения равновесия интересов на рынке труда. – Тамбов: 2000. с. 9.

⁷ Былков В.Г. Экономические факторы управления системой регионального рынка труда. – Иркутск: экон. Акад. 1996. – с 8.

⁸ Руденко Г.Г., Муртозаев Б.Ч. Формирование рынков труда. – М: Экзамен, 2004.- с.14.

⁹ Котляр А. Теоретические проблемы занятости остаются актуальными. // Человек и труд. – Москва. 1996. - №5. – с.9.

¹⁰ Котляр А. О понятии рынка труда. // Вопросы экономики. – Москва. 1998. - №1. – с.33.

бозори – ёлланишга мухтож бўлган ишчи кучи эгалари ҳамда ёлланма ишчи кучига талаби бўлган ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари ўртасидаги ишчи кучини ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига ёллаш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш юзасидан вужудга келадиган ижтимоий - иқтисодий муносабатлар тизимидир”¹¹, деб таъкидлайди.

Л.П. Максакова меҳнат бозори моҳиятини очиб берар экан, унга нисбатан “...меҳнатда бандликнинг шаклланиши, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоларини камраб олувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси”¹² сифатида кўриб чиқади.

“Меҳнат бозори, дейди Қ.Х.Абдурахмонов, иқтисодий тушунча сифатида бу товарнинг тэгалари (ёлланма ишчилар), айти вақтда унинг сотувчилари ҳам ҳисобланадиганлар билан харидорлар (иш берувчилар) ўртасидаги ўзаро муносабатни акс эттиради”¹³. Шунингдек, у тор маънода тушунишда Л.Э. Исмоилова¹⁴нинг “меҳнат бозори - иш берувчилар – ишлаб чиқариш воситалари эгалари билан ёлланма ишчилар – ишчи кучи эгалари ўртасидаги – биринчисининг тадбиркорлар сифатида меҳнатга бўлган талабини ва иккинчисининг ҳаёт кечириш воситасининг манбаси сифатида ёлланишга бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан қиймат асосида шаклланадиган иқтисодий муносабатлар тизимидир” деган тавсифига қўшилади¹⁵.

М. Йўлдошевнинг фикрича, “меҳнат бозори-бозор иқтисодиётининг асосий қонунларига мос келувчи меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳаракатининг ижтимоий-иқтисодий шаклидир”¹⁶. 3. Толаметова эса “меҳнат бозори – ишлаб чиқариш омиллари ресурслари (ер, капитал ва бошқалар)

¹¹ Покрытая Л.А. Формирование и функционирование рынка рабочей силы в России (вопросы генезиса и динамики), -М.: 1998. – с.68.

¹² Максакова Л.П. Проблемы обеспечения занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан в переходный период к рынку: Автореф.дисс. на соис. Ус. Степ.докт.экон.наук.-Тошкент: 1995. – с. 21.

¹³ Абдурахманов Қ.Х. ва бошқалар. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. – Тошкент: ТДИУ, 2004. – Б.59.

¹⁴ Исмоилова Л.Э. Факторы спроса и предложения на рынке труда, безработица и формы ее проявления. – М.: Ин-т экономики РАН. 1993. –с.2.

¹⁵ Абдурахманов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). – Т.: “Меҳнат”, 2004. 131-132-б.

¹⁶ Йўлдошев М. Региональные факторы формирования рынка труда. СПб: 1993. – с.55.

бозорининг энг мураккаб бўғини бўлиб, инсон ҳаёти билан бевосита боғлиқдир”¹⁷, деб меҳнат бозорига умумий таъриф беради.

Меҳнат бозорининг моҳиятини очиб беришга қаратилган барча ёндашувларни умумлаштирган ҳолда “меҳнат бозори – функционал меҳнат қилиш қобилияти, яъни меҳнат қилиш қобилиятининг ҳаракатга келиши юзасидан олди-сотди бўйича харидор ва сотувчилар ўртасидаги ижтимоий –иқтисодий муносабатлар тизимидир” ёки “меҳнат бозори – ёлланувчи ўз меҳнاتини сотиши, ёлловчи уни сотиб олиши ва ундан фойдаланиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий – иқтисодий муносабатлар тизимидир” дейиш мумкин. Бунда сотувчилар ўртасида ҳам рақобат юзага келади, хусусан, сотувчилар ўртасидаги рақобатда мақбул ишчи ўрнини эгаллаш учун, харидорлар ўртасидаги рақобатда юқори малакага эга бўлган шахснинг функционал меҳнат қилиш қобилиятини сотиб олиш учун, сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги рақобатда эса мазкур субъектлар ўртасида кўп фойда олиш учун кураш кетади¹⁸.

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммолари кескинлашади. Бу муаммолар айниқса ортиқча ишчи кучини бўшатиш ва фаол иш қидирувчи аҳолининг кўпайишига олиб келувчи таркибий ўзгаришларни амалга ошираётган ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида долзарбдир. Бозор ислохотлари даврида бандликнинг таъминлашнинг бозор қоидалари билан биргаликда, унга давлатнинг аралашуви ҳам бўлади. Давлат социал низоларни юзага чиқармаслик учун бандликни ошириш чора-тадбирларини давлат сектори доирасида амалга ошириб нодавлат секторида янги иш ўринларини яратишни рағбатлантиради. Ўтиш даврида меҳнат ресурсларининг укладларао эркин тақсимланиши мавжуд бўлсада, турли укладлардаги бандлик даражаси, даромад келтириш ва иш жойи ташкил этиш қийматининг қанча туриши бир ҳил эмас албатта. Бу табиий равишда

¹⁷ Абдуғаниев А., Толаметова З. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. –Т.: “Меҳнат”. 1998. 61-б.

¹⁸ Артыкова Д.А. Формирование занятости населения в Республике Узбекистан. + Т.: «Фан», 2005. – с.123.

укладларнинг салоҳиятига, уларни бозор воситалари билан таъминланишига, умумий иқтисодий вазиятга боғлиқ. Бир уклад учун шароит қулай бўлгани ҳолда, бошқаси учун ноқулай бўлиб туриши табиий ҳол саналади.

Меҳнат бозоридаги талаб кўп жиҳатдан товарлар ва инвестициялар бозоридаги талабга боғлиқ бўлади, турли уклад корхоналаридаги бандликни шу омил юзага келтиради.

Ўтиш даврида, бандликни таъминлашда янгидан пайдо бўлган укладлар ролининг ортиб бориши кузатилади, чунки меҳнат ресурсларининг укладлараро тақсимланиши юз беради. Умумий тенденция нодавлат секторида бандликни ортиши ҳисобидан давлат секторида бу кўрсаткични қисқариб боришидир. Аммо укладларнинг банд этиш салоҳияти кескин фарқлана бошлайди. Бу турли укладларга мансуб корхоналар маҳсулоти ва хизматларига бозор талабининг, уларнинг ресурслар билан таъминланиши бандликнинг капитал сиғими, ниҳоят асосий фондларни ишга киритилишига боғлиқдир. Бандликни тез ўсиши хусусий укладга хосдир. Буни давлат корхоналарни хусусийлашгитиришнинг ўзи билан изохлаб бўлмайди, чунки бандлик даражаси эски иш ўринларини сақланиши билан биргаликда янгиларни яратилишига ҳам бориб тақалади. Турли укладларда яратилган иш ўринларининг қиймати турлича, шу туфайли бандликнинг капитал сиғими ҳам фарқланади.

Энг қиммат иш ўринлари давлат ва аралаш укладда бўлса, энг арзон иш ўринлари хусусий укладда, айниқса, оилавий хўжаликларида яратилади.

Арзон иш ўринлари билан таъминланиш банд бўлмаган аҳоли ортиб бораётган шароитда алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, бу саноат салоҳияти кучсиз ҳудудлар учун зарурдир. Иқтисодиётнинг хусусий укладида арзон иш ўринларини яратиш имконияти ўзини-ўзи иш билан таъминлашни рағбатлантиради. Шу ўринда якка тартибдаги меҳнат

фаолияти билан банд бўлиш кучайишига мойил, аммо бу ердаги даромадга ноаниқлик хос, шу боис даромад таваккалчилигининг хатари кучлидир.

Турли укладларнинг аҳолини банд қилиш имкониятларини уларнинг инвестицион ресурслари белгилайди, булар эса турличадир.

Кўпукладли тизимда даромадларни субъектлар ўртасида тақсимланиши биринчидан, бозор воситасида бўлса, иккинчида, давлат бюджети воситасида юз беради. Натижада давлат секторининг инвестицион имконияти унинг иқтисодий салоҳиятидан анча юқори бўлади. Натижада укладлар доирасида ишга туширилган фондлар ҳажми фарқланиб туради.

Укладлар доирасида ишга киритилган ишлаб чиқариш фондлари асосан давлат уклади ва аралаш уклад хиссасига тўғри келса, ноишлаб чиқариш фондларини яратишда давлат ва хусусий уклад фаоллик қилади. Бунинг натижаси ҳар хил, албатта. Ишлаб чиқаришдаги янги фондлар қурилиш фазасидан сўнг ҳам иш ўринлари яратса, ноишлаб чиқариш фондлари яратилганда бандлик асосан қурилиш даврига тўғри келади. Бундан кейинги бандлик ғоят кичик бўлиб социал хизмат соҳасида юз беради. Шу ўринда хусусий укладни ўрни алоҳида, у инвестиция орқали индивидуал уй-жой фондини яратадики, у ишга тушгач бандлик ҳосил этмайди. Социал аҳамиятга молик банлик масаласини ҳал этишда давлат ва аралаш уклад ўзлаштирилган инвестицияга нисбатан кам иш ўрни яратади, чунки янги иш ўрни қиммат туради, аммо юксак унумдорликни таъминлашга қодир бўлади. Жамоа ва хусусий укладдаги иш ўринлари инвестицияга нисбатан зиёд, чунки бу ерда иш ўрни серкапитал эмас, аммо янги иш жойларида яратиладиган товарларга бозор талаби мавжуд бўлади.

Хусусий укладда арзон иш жойларини яратишда микрокредитлар фаол иштирок этади. Мазкур кредит объектлари хусусий укладнинг негизини ташкил этади, чунки ўтиш даврига хос дастлабки капитал жамғариш йирик капитал ҳосил этиб улгурмайди.

Хусусий уклад аксарият ҳолларда микрофирмалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва индивидуал меҳнат фаолиятдан ташкил топади ва улар микрокредитга муҳтож бўладилар.

Кичик кредит майда ишлаб чиқарувчилар фаолиятига стимул бериб иқтисодий ўсишни таъминлайди, бу эса социал муаммоларни ҳал этишга замин ҳозирлайди.


Кичик кредитларнинг социал аҳамияти шундаки, у иш жойлари ҳосил этишга кўмаклашиб бандликни оширади, у ўзини-ўзи иш билан таъминлашга хизмат қилади. У ишлаб чиқаришни ўстириш орқали даромад ҳосил этади. Айниқса, у кам таъминланганлар учун муҳимдир, чунки улар янги даромад манбаига эга бўладилар. Ўзбекистонда тарихан майда, оилавий ишлаб чиқариш ривожланиб келган, унда болалар ва кўп болали оналар банд бўлган. Ҳозирги кунда ҳам шундай ҳолатлар кузатиладики, индивидуал фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва деҳқон хўжаликларида оналар ва вояга етган болалар кичик кредитларга таяниб даромад топиши мумкин.

Меҳнатда бандликнинг схематик жиҳатдан талқин қиладиган бўлсак (1.1.1-схемага қаранг), меҳнатга лаёқатли аҳоли меҳнатда бандлар, меҳнатда бандлига кўрсатилмаганлар ва ишсизлар гуруҳларига бўлиниб, мантиқан «меҳнатда бандлигини кўрсатилмаганлар» тушунчаси «ишсизлар» тушунчасига қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, унинг замирида Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилган хусусиятларни ўзларида мужассамлаштирган ишсизлар гуруҳига мансуб бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами назарий жиҳатдан иқдисодий фаол бўлмаган аҳоли, деб ҳисоблансада (бандлик хизматларида ишсиз сифатида рўйхатдан ўтганлардан ташқари), амалиёт нуқтаи назаридан улар иқдисодий фаолдир (асосан эркаklar ва аксарият аёллар). Чунки улар расмий иқдисодиётда банд бўлмасаларда, ўз тирикчиликларини ўтказиш (шахсий даромад олиш) мақсадида бирон-бир меҳнат тури билан банд бўладилар. Бундай меҳнатда

бандлик ҳисобга олинмаган меҳнатда бандлик деб юритилади ва у норасмий меҳнат бозорида амал қилади. Меҳнатга лаёқатли, иқтисодий фаол бўлган аҳолининг келтириб ўтилган бу 3 гуруҳи ўртасида ўзаро доиравий айланиш мавжуд бўлиб, хусусан, меҳнатда бандлар гуруҳига кирувчи меҳнатга лаёқатли аҳолининг маълум қисми муайян вақт оралиғида меҳнатда бандлиги

1.1.1-схема


Бандликнинг схематик талқини¹⁹



¹⁹ Схема илмий манбаалар асосида диссертант томонидан тайёрланди.

кўрсатилмаганлар ёки ишсизлар гуруҳига, ишсизлар ҳамда меҳнатда бандлиги кўрсатилмаганлар эса меҳнатда бандлар гуруҳига ўтиб қолишлари мумкин. Бунда ҳудуддаги демографик вазиятни, соҳалардаги институционал, технологик ўзгаришларни, ортиқча ишчи кучини соҳалардан бўшатишни, бозор конъюнктурасига мослашишни ҳисобга олиб юритилган давлат сиёсати катта ўрин тутди. Ишсизларни меҳнатда бандлар гуруҳига ўтишларида жойлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари воситачилик вазифасини бажаради. Ишсизликнинг таснифи (1.1.2-схемада берилган).

1.1.2-схема



²⁰ Илмий манбаларга асосан схема диссертант томонидан тайёрланди .

Шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, айрим ҳолларда меҳнатда бандлик замирида яширин ишсизлик ётади. Бу ҳолни эътиборга олмаслик ижтимоий-сиёсий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бу ҳолатни «ишловчи ишсизлар» ёки «ишчи кучидан тўла фойдаланмаслик» категориялари билан боғлаш мумкин. Анъанавий меҳнатда бандлик таркибига кирувчи мавсумий бандлик (кўпроқ ер билан боғлиқ ишлаб чиқариш фаолияти)да меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосан киш фаслида ишсиз қолишлари - мавсумий ишсизликни келтириб чиқаради. Ноанъанавий меҳнатда бандликнинг барча шаклларида эса қисман ишсизлик мавжуд. Мавсумий ҳамда қисман ишсизлик турлари эса яширин ишсизликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Бундай шароитда аҳолини меҳнатда бандлигини ошириш сиёсатини ўтказиш методларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ишсизликнинг табиий даражасини пасайтиришга қаратилган метод;

2. Циклик ишсизлик даражасини пасайтиришга қаратилган метод.

Ишсизликнинг табиий даражаси бир қатор омилларга боғлиқ ҳолда юқори даражада бўлиши мумкин. Табиий ишсизликнинг юқори даражаси мамлакатдаги социал-иқтисодий вазиятга салбий таъсир кўрсатади.

Ишсизликнинг табиий даражаси туфайли кўриладиган иқтисодий йўқотиш циклик ишсизлик туфайли кўриладиган иқтисодий йўқотишдан қолишмайди. Шунинг учун жамият ишсизликнинг табиий даражаси ҳам пасайишидан манфаатдор.

Бунда қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

1. Таркибий ўзгаришлар туфайли ишчи кучи талаб қилишга тез мослашадиган корхоналарни яратиш, улар учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни эгилувчан тизимларидан фойдаланиш;

2. Бўш ишчи ўринлари тўғрисида сифатли умуммиллий ахборотлар тизимини яратиш;

3. Янги ишга жойлашиш билан яшаш жойини ўзгартирувчи кишиларни моддий қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш ва бошқалар.

Циклик ишсизликнинг сабаби ишлаб чиқаришни пасайиши билан боғлиқ бўлгани учун ҳам унинг олдини олишда бюджет, молия-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш методларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

1.2. Меҳнат бозорининг шаклланиши ва унга социал-демографик омилларнинг таъсири

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш сиёсатида талаб ва таклифнинг ўзаро монандлигин таъминловчи меҳнат бозорини миллий моделини шакллантириш марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Айрим иқтисодчиларнинг фикрича, меҳнат бозори ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ифодаловчи механизм сифатида кўрилса, бошқа иқтисодчилар гуруҳи меҳнат бозори-фақатгина ишчи кучига бўлган талабни қондиришга шароит яратади, деб ҳисоблайдилар. Учинчи иқтисодчилар гуруҳи ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг фикрича, меҳнат бозори-ўз шахсий меҳнат қобилияти, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ҳамда уни ижтимоий меҳнат тақсимооти тизимида товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш қонунлари асосида тақсимланиши зарур бўлган ҳаётий кундалик воситаларига алмаштириш муносабатларининг мураккаб тизимини ўзида ифодалайди дейишади.

М.Йўлдошевнинг фикрича, меҳнат бозори-бозор иқтисодиётининг асосий қонунларига мос келувчи меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳаракатининг ижтимоий-иқтисодий шаклидир.²¹

Алоҳида ҳолларда бу талаб юқори малакали ҳодимларга янги иш жойлари яратиш билан ифодаланади.

²¹ Ёфёаааа. Ё. Региональные факторы формирования рынка труда. Санкт-Петербург.1993. 55-бет.

Меҳнат бозорини ўрганиш жараёнида қуйидаги масалалар жуда муҳим ҳисобланади: иқтисодий мувозанат тушунчаси, меҳнат бозори сегментацияси, бандлик ҳажмини белгиланиши.

Меҳнат бозоридаги иқтисодий мувозанат моҳияти қуйидагилар: талаб, таклиф, ишчи кучи баҳоси ва рақобат. Ишчи кучига бўлган талабнинг ҳажми меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва уларнинг баҳосига боғлиқ. Таклиф эса, асосан, демографик хусусиятлар томонидан белгиланади. Меҳнат бозорининг асосий атрибутларидан бири рақобатни қуйидагича белгилаш мумкин: агар талаб ва таклифнинг солиштириш жараёнида таклиф талабдан кўпроқ бўлса, демак рақобат мавжуд бўлади. Уни таъминлаш учун эса, биринчи навбатда товар ишлаб чиқарувчида эркинлик бўлиши лозим.

Меҳнат бозорида иқтисодий мувозанат бу–шундай ҳолатки, унда талаб, таклиф ва ишчи кучи баҳоси эгри чизиклари бир-бирларини кесиб ўтади. Эгри чизиклар бир-бирларини кесиб ўтадиган нуқта эса, меҳнат бозоридаги иқтисодий мувозанат нуқтаси, деб ҳисобланади. Лекин, бозорнинг бундай ҳолатда бўлиши жуда камдан-кам учрайди. Бу бозор шароитларидаги иқтисоднинг иқтисодий мувозанатда эмаслигидан далолат беради. Меҳнат бозоридаги иқтисодий мувозанат тушунчаси талаб, таклиф ва ишчи кучининг қайси ҳолатида ишсизлик, қайси ҳолатида ишчи кучининг етишмаслиги кузатилади. Бунда меҳнат бозорининг регулятори бўлган ишчи кучининг мувозатлашганини баҳолаш жуда катта рол ўйнайди.

Бозор иқтисодиёти нуқтаи-назаридан, ишчи ҳақи даражаси иш кучининг мувозанатлашган нархидан юқори ўрнатилганда, таклифнинг талабга нисбатан кўплиги пайдо бўлади, талаб ошгани сари иш ҳақи ҳам ошади, талаб камайгани сари эса, иш ҳақи ҳам камаяди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, республикадаги паст даражали меҳнат таъминотига эга бўлган хўжаликларда меҳнат натижалар эркинлигининг йўқлиги паст даромад олинishiга сабаб бўлди, бу эса

уларга ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш имкониятини бермайди. Айни шу сабабларга кўра, ушбу хўжаликларда ишчи кучи танқислиги сунъий йўл орқали пайдо бўлади.

Ишчи кучи билан юқори даражада таъминланган хўжаликларга хос бўлган даромад олиш тенденциялари айни ишчи кучи билан паст даражада таъминланган хўжаликларга хос бўлганлар билан бир хил, фақат иккинчи ходисада ишчи кучи таъминоти хўжаликларга ишчи кучи баҳоси ва талабини кўпайтиришга имконият бермайди. Шунинг учун ҳам, бундай хўжаликларда ишчи кучининг ортиқчалиги ёки яширин ишсизлик мавжуд.

Меҳнат бозорига тегишли бўлган муҳим масалалардан бири—бу бандлик ҳажмини аниқлаш. Бозор классик назариясига мувофиқ, бандлик ҳажми ялпи талаб ва ялпи таклифларнинг кесиб ўтиш нуқтаси орқали аниқланади. Айни ана шу нуқтада кутилаётган тадбиркорлик фойдаси максимал даражада бўлади. Бандлик ҳажмининг ўсиши аҳолининг истеъмол қилишга мойиллигига, ҳамда иш жойларининг кўпайиши учун керак бўлган инвестициялар ҳажмига боғлиқ. Ялпи даромаднинг ўсиши билан ялпи истеъмол қилиш ҳам ўсади, шунингдек жамиятнинг янги инвестициялар билан боғлиқ бўлган харажатлари ҳам ошади. Меҳнатга бўлган талабнинг миқдорини аниқлаш учун чекланган меҳант унумдорлиги эгри чизиғига реал иш ҳақи эгри чизиғининг бир-бирини кесиб ўтиши меҳнатнинг максимал фойда олишини таъминловчи миқдорини кўрсатади.

Таркибий сегментация ташқи бозорни регионал ва маҳаллий бозорларга тақсимлашдан иборат. Омилли сегментация эса, асосан ички бозорга тааллуқлидир. Бизнинг фикримизча, ички бозордаги сегментация биринчи навбатда қуйидагилар бўйича амалга оширилиши лозим:

- малака бўйича;
- мулкчилик бўйича;
- маълумот бўйича;
- иш ҳақи бўйича;

- ёш жиҳатидан ва бошқалар.

Бундан ташқари, ички бозор бирламчи ва иккиламчи бозорларга тақсимланади. Бирламчи меҳнат бозори барқарор бандлик ва иш ҳақининг юқори даражаси билан белгиланади. У асосан, маълумоти ва малакаси юқори даражада бўлган ишчилардан иборат. Иккиламчи меҳнат бозори эса, бандлик даражасининг барқарорсизлиги ва ишчи кучи баҳоси ва малакасининг паст даражаси билан белгиланади.

Меҳнат бозорининг шаклланиши жараёнида икки асосий омил—демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар гуруҳи муқаррар таъсирга эга бўлади.

Меҳнат бозорининг бутун тизимини ишга туширишда муҳим таъсир кўрсатадиган жамият меҳнат ресурслари тараққиёти жараёнининг динамикаси ва анъаналарини аниқлашда, айниқса, демографик омилларнинг ҳар томонлама ҳисобга олиш жиддий аҳамият касб этади. Зеро, бозор иқтисодининг бутун тизими ҳамда унга асосланган меҳнат бозори тизими доирасидаги янги ижтимоий-иқтисодий шароитдан фойдаланадиган меҳнат ресурсларининг сон ва сифат ўзгаришларида, ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Демографик жараёнлар ривожига ҳақидаги илмий тахминлар ўзининг жуда аниқлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам у меҳнат ресурслари ривожига ва меҳнат бозорининг ҳаракатланиш муаммоларини ўрганиш каби иқтисодий таҳлиллар учун ишончли воситага айланади. Айни пайтда, ижтимоий-иқтисодий омилларнинг меҳнат бозори тизимини шакллантириш ва ривожлантиришдаги таъсири муаммосини тахминий ўрганиш, гарчи яқин келажакка мўлжалланган бўлса-да, миллий иқтисодий фан учун янгилик ҳисобланади.

Агар биринчи гуруҳ омилларга эътибор қаратадиган бўлсак, мавжуд тахминлар шуни кўрсатадики, юзага келган демографик анъаналарга кўра яқин йиллар ичида Ўзбекистонда меҳнатга яроқли ёшдаги аҳолининг ўсиши юқори даражада, яъни йилига 3 фоиз миқдорида сақланиб қолади.

Уларнинг бир қисми уй ишлари ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш билан банд бўлишини ҳисобга олиб, аниқ далиллар асосида айтиш мумкинки, йилига ўртача 500 минг кишини иш билан таъминлаш керак бўлади. Демак, демографик омилларнинг маълум бир вақт оралиғида ишга яроқли аҳоли ўсиши ҳажмини аниқлаш имконини беришига гувоҳ бўлдик. Ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлили эса бозор ислохотлари даврида меҳнат бозорини тўлдириш икки асосий сабаб ҳисобида амалга оширилиши ҳақидаги хулоса қилишга асос бўлади. Улардан бири мамлакат иқтисодида банд бўлган ортиқча ишчиларни озод қилиш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш заруратидан иборат. Улар орасида шу кунлар ва яқин келajak учун муҳим бўлган омил-ортиқча ишчиларнинг озод қилинишидир.

Шундай қилиб, яқин келajakда меҳнат бозори ва меҳнат билан бандлик доирасида муҳим сон ва сифат ўзгаришлар кутилаётирки, бозор ислохотларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш жараёнида уларни амалга ошириш зарур. Бу ўринда ушбу ўзгаришлар характер ва мазмун жихатидан ҳар қил ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан боғлиқлигини айтиш мобайнида шуни ҳам қайд этиш керакки, уларнинг ҳаммаси мазкур жараённинг умумий анъаналари ҳамда миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган, фақат Ўзбекистонга хос бўлган бозор иқтисодига ўтиш йўлининг узвий давомидир.

1.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида республикада аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш

Иш билан бандлик тушунчасини фуқаронинг ўз шахсий ва жамоат эҳтиёжини қондирадиган ҳамда даромад келтирадиган фаолияти деб тушуниш мумкин. Иш билан бандликни ижтимоий, иқтисодий ва демографик жараёнлар тизимида меҳнат ресурсларини етиштиришнинг табиий ассоси сифатида қараш лозим.

Меҳнат бозори сиёсатини олиб боришда бир томондан, оммавий ишсизликка йўл қўймаслик, бошқа томондан эса иқтисодиёт қайта қурилаётганлиги ҳамда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ортиқча ишчи кучининг пайдо бўлишига тўсқинлик қилмаслик каби омилларга алоҳида эътибор бериш зарур.

“Ҳисобот йилида янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди”²² деб таъкидлайдилар юртбошимиз И.А.Каримов.

Иш билан бандлик муаммосига давлат томонидан таъсир кўрсатишнинг муҳим жихати сифатида давлат бюджети иштирокида киритилаётган инвестиция лойиҳаларининг таҳлили, уларнинг минтақа ва умуман мамлакатда иш билан бандликка таъсирини ҳисобга олиш муҳимдир.

Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва у иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари сони динамикаси кўриб чиқиш учун қуйидаги жадвал ишлаб чиқарилган.

²² Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

1.3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари сони динамикаси
(минг киши ҳисобида)*

Худудлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш	
	2007	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	883,5	904,4	931,4	938,0	970,2	86,7	109,8
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	1391,8	1433,5	1497,6	1536,0	1626,4	234,6	116,8
Бухоро	904,5	928,7	949,2	967,4	1013,4	108,9	112,0
Жиззах	582,3	601,1	622,2	636,1	675,2	92,9	115,9
Қашқадарё	1345,4	1395,8	1438,3	1481,7	1568,9	223,5	116,6
Навоий	501,6	509,8	527,3	532,1	537,1	35,5	107,0
Наманган	1207,0	1246,5	1288,2	1328,5	1432,8	225,8	118,7
Самарқанд	1617,0	1672,2	1725,8	1782,1	1900,2	283,2	117,5
Сирдарё	390,3	401,9	407,8	415,5	430,9	40,6	110,4
Сурхондарё	1057,7	1096,5	1133,5	1172,9	1246,5	188,8	117,8
Тошкент	1447,4	1477,9	1499,3	1518,2	1564,6	117,2	108,0
Фарғона	1617,5	1667,2	1720,1	1769,3	1897,1	279,6	117,2
Хоразм	823,3	847,7	874,1	892,8	922,4	99,1	112,0
Тошкент ш.	1446,9	1461,5	1508,8	1533,6	1524,2	77,3	105,3
Республика бўйича	15219,6	15644,9	16123,6	16504,2	17309,8	2090,2	113,7

* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатдош касб-ҳунарларга ўргатиш.

2. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгартириш ва диверсификация масалаларига эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга

мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутди.

3. Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, глобал инқироз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларини амалга оширишни талаб этади.²³

Демографик жараёнларга боғлиқ ҳолда, юртимизда меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвалдан кўриниб турганидек, 2007-2011 йиллар давомида меҳнат ресурслари сони 2090,2 минг кишига ёки 13,7 фоизга ортган. Бу даврда меҳнат ресурслари сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,6 фоизни ташкил қилган. Кўрилатган даврда меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръати республика ҳудудларида бир меъёрга кечмаган. Жумладан, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган барча ҳудудларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри) эса паст бўлган. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, меҳнат ресурслари жами аҳолининг 59 фоизини ташкил қилиб, унинг асосий қисми (қарийб 60 фоизи) Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тўпланган.

Ўзбекистон Республикасида иш билан банд аҳоли сони динамикаси кўриб чиқиш учун қуйидаги жадвал тавсия этилган.

²³Зокирова Н., Абдурахмонов О. Инқироз: оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. – Т.: Fan va texnologiya, 2009. – 136-138-бетлар

1.3.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан банд аҳоли сони динамикаси
(минг киши ҳисобида)*

Худудлар	Й и л л а р					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
	2007	2008	2009	2010	2011	+;-	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	551,1	561,1	566,1	580,8	590,0	38,9	107,0
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	1014,8	1047,3	1063,0	1112,1	1144,8	130,0	112,8
Бухоро	708,0	729,1	748,5	768,1	784,7	76,7	110,8
Жиззах	350,9	360,6	396,6	381,6	392,4	41,5	111,8
Қашқадарё	877,9	908,7	934,9	971,7	1003,8	125,9	114,3
Навоий	389,9	396,7	404,6	408,0	413,4	23,5	106,0
Наманган	738,0	763,3	790,1	815,3	841,7	103,7	114,0
Самарқанд	1115,8	1152,0	1186,7	1229,9	1269,8	154,0	113,8
Сирдарё	296,1	304,1	318,9	320,0	327,5	31,4	110,6
Сурхондарё	696,7	722,5	744,6	784,5	817,8	121,1	117,3
Тошкент	1068,6	1097,5	1127,0	1155,4	1183,5	114,9	110,7
Фарғона	1241,3	1280,1	1318,0	1340,5	1367,6	126,3	110,2
Хоразм	553,6	571,1	583,0	606,7	625,2	72,6	112,9
Тошкент ш.	1132,4	1140,8	1145,8	1153,8	1156,7	24,3	102,1
Республика бўйича	10735,4	11035,4	11328,1	11628,4	11919,1	1183,7	111,0

* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимида ўтиш борасида кўрилган чоратadbирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди (1.3.2-жадвал).

2007-2010 йиллар мобайнида иш билан банд бўлган аҳоли сони 10735,4 минг кишидан 11919,1 минг кишига ёки 11,0 фоизга ортган. Таҳлил қилинаётган даврда иш билан банд бўлган аҳоли сони республиканинг барча ҳудудларида ҳам ортган. Аммо, таҳлиллар унинг ўсиш суръати бир меъёردа кечмаганини кўрсатади. Хусусан, ўтган беш йил давомида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва

Хоразм вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган барча ҳудудларда эса паст бўлган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2,5 фоизга ўсди ва деярли 11,9 миллион кишига етди, иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги банд бўлган кишилар улуши 79,4 фоизни, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар – 74,2 фоизни ташкил этди. Бандликнинг энг юқори ўсиш суръатлари қурилишда (105,2 фоиз), уй-жой-коммунал хўжалигида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда (105,1 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда (105,0 фоиз), транспорт ва алоқада (104,4 фоиз) қайд этилди.

Умуман олганда, республика ва унинг алоҳида ҳудудлари бўйича иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони ортмоқда (1.3.3-жадвал).

1.3.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларида, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сонидинамикаси(минг киши ҳисобида)*

Ҳудудлар	Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли сони			Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	145,9	160,1	109,7	104,1	109,7	105,3
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	176,4	207,5	117,6	197,3	209,7	106,2
Бухоро	161,5	165,6	102,5	140,8	144,0	102,2
Жиззах	68,2	80,6	118,1	84,7	100,8	119,0
Қашқадарё	201,5	231,4	114,8	149,3	172,6	115,6
Навоий	150,6	165,4	109,8	56,6	59,4	104,9
Наманган	160,5	171,8	107,0	148,9	142,6	95,7
Самарқанд	228,1	228,7	100,2	218,9	250,7	114,5
I	II	III	IV	V	VI	VII

I	II	III	IV	V	VI	VII
Сирдарё	58,6	68,7	117,2	72,6	93,9	129,3
Сурхондарё	140,3	162,8	116,0	175,4	193,6	110,3
Тошкент	256,4	274,4	107,0	191,1	206,4	108,0
Фарғона	266,8	299,8	112,3	222,0	286,8	129,1
Хоразм	118,6	125,2	105,5	161,2	146,7	91,0
Тошкент ш.	418,0	437,6	104,6	171,1	221,5	129,4
Республика бўйича	2551,7	2779,8	108,9	2094,3	2338,4	111,6

** Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.*

1.3.3-жадвал маълумотларининг таҳлили Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 2551,7 минг кишидан 2779,8 минг кишига ёки 8,9 фоизга ўсганини кўрсатади. Бундай тенденция республиканинг барча ҳудудларида ҳам кузатилган.

Аҳоли бандлиги таркибида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизи давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунги кунга келиб (2011 й.) мазкур секторда умумий иш билан банд аҳолининг 20 фоиздан кўпроғи меҳнат қилмоқда.

Бандликнинг соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий тенденциялар кузатилди. Хусусан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайди. Агар 1991 йилда мазкур соҳада ишловчилар сони жами иш билан банд бўлганларнинг 40 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу рақам 25 фоизга тушди. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш, транспорт ва қурилиш соҳаларида иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 36 фоиздан 52 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятида ва деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони динамикаси кўриб чиқиш учун қуйидаги жадвал ишлаб чиқарилган.

1.3.4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятида ва деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони динамикаси (минг киши ҳисобида)*

Худудлар	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони			Деҳқон хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	4,6	29,8	647,8	103,9	96,7	93,0
Вилоятлар:						
Андижон	12,3	61,0	495,9	170,1	177,8	104,5
Бухоро	8,9	49,5	556,1	129,4	151,4	117,0
Жиззах	4,7	23,3	495,7	63,4	98,1	154,7
Қашқадарё	10,5	43,8	417,1	128,6	150,2	116,7
Навоий	5,7	25,8	452,6	49,4	60,8	123,0
Наманган	13,0	66,8	513,8	95,4	114,6	120,1
Самарқанд	12,5	65,0	520,0	148,3	188,8	127,3
Сирдарё	2,5	10,8	432,0	26,8	60,2	224,6
Сурхондарё	6,3	27,6	438,0	129,8	153,6	118,3
Тошкент	12,2	65,9	540,1	177,4	190,6	107,4
Фарғона	17,8	99,1	556,7	168,2	192,7	114,5
Хоразм	5,5	23,8	432,7	81,5	106,0	130,0
Тошкент ш.	24,2	105,9	437,6	0	6,2	-
Республика бўйича	140,8	698,4	496,0	1472,5	1745,0	118,5

Кичик корхона ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони ҳам йил сайин ортиб, 2007 йилдаги 2094,2 минг кишидан 2011 йилда 2338,4 минг кишига ёки 11,6 фоизга кўпайди. Бу кўрсаткични республика худудлари бўйича таҳлил қилиш унинг бир меъёردа кечмаганини кўрсатади. Жумладан, ўтган беш йил давомида кичик корхона ва фермер хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати Тошкент шаҳри, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган худудларда эса паст бўлган. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган даврда мазкур соҳада иш билан банд бўлганлар сони Хоразм (9,0 фоиз) ва Наманган (4,3 фоиз) вилоятида камайган.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиётининг

асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган кичик мулкдорлар синфини шакллантиришга, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратишга, ҳар бир оила даромадини кўпайтиришда ҳамда янги иш ўринларини яратиш эвазига ишсизлик масаласини ҳал этишга замин яратади.

Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис бу соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда (1.3.4-жадвал).

1.3.4-жадвалдан кўриниб турганидек, 2007-2011 йилларда республика бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони 140,8 минг кишидан 698,4 минг кишига ёки 4,96 марта кўпайган.

Бугунги кунда деҳқон хўжаликларини ташкил этишда қатор ютуқларга эришилмоқда ва уларни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- хўжаликни ташкил этишнинг ихчамлиги ва уларнинг бозор муҳитига тезда мослашувчанлиги;
- хўжалик аъзоларининг маълум бир оилага мансублиги;
- оила маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги;
- меҳнатни ташкил қилиш ва хўжаликни бошқаришдаги қулайликлар.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига қараганда, деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1472,5 минг кишидан 1745 минг кишига ёки 18,5 фоизга ортган.

Шундай қилиб, мамлакатда амалга оширилаётган оқилона иқтисодий сиёсат туфайли бандликнинг касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик каби аҳолининг тадбиркорлик қобилияти ва бунёдкорлик меҳнати салоҳиятини намоён қилишга кўмаклашувчи самарали шакллари ривожланди.

Давлат иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳолига қуйидагиларни кафолатлайди:

- ишсизлик нафақасини тўлаш;
- меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш;
- ишсиз шахсга қарамоғидагиларини ҳисобга олган ҳолда, моддий ёрдам бериш;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;
- меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш²⁴.

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сони ортиб бормоқда (1.3.5 -жадвал).

1.3.5-жадвалдан кўриниб турганидек, 2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сони 563,8 минг кишидан 622,4 минг кишига ёки 10,4 фоизга ортган. Кўрилаётган даврда иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати бир меъёрга кечмаган. Хусусан, 2007-2009 йилларда иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сони 563,8 минг кишидан 631,5 минг кишига ёки 12 фоизга ортган бўлса, 2010 йилда иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сонининг камайиши кузатилиб, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 1,5 фоизга қисқарган.

Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сони динамикаси ўрганиш учун қуйидаги жадвал тавсия қилинган.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.


1.3.5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)*

Худудлар	Й и л л а р					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш	
	2007	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	41,2	41,9	42,2	44,5	41,7	0,5	101,2
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	63,2	64,1	65,6	65,1	64,6	1,4	102,2
Бухоро	33,4	33,6	40,9	40,0	40,3	6,9	120,6
Жиззах	15,4	15,5	21,8	22,0	21,5	6,1	139,6
Қашқадарё	47,9	47,9	57,0	56,6	56,2	8,3	117,3
Навоий	20,3	20,3	20,9	20,1	20,5	0,2	100,9
Наманган	46,7	46,7	49,3	48,3	48,5	1,8	103,8
Самарқанд	64,4	65,3	75,2	74,8	74,1	9,7	115,0
Сирдарё	12,8	12,8	14,8	14,4	14,6	1,8	114,0
Сурхондарё	35,3	35,4	47,0	46,1	46,3	11,0	131,6
Тошкент	44,9	44,9	47,9	47,4	47,3	2,4	105,3
Фарғона	71,6	72,6	72,5	77,1	71,4	-0,2	99,7
Хоразм	28,1	28,0	35,1	33,6	34,6	6,5	123,1
Тошкент ш.	36,7	38,6	41,2	38,0	40,6	3,9	110,6
Республика бўйича	563,8	567,7	631,5	628,2	622,4	58,6	110,4

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг асосий қисмини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилишини кўрсатади. Жумладан, 2007 йилда республика бўйича жами иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг 95,3 фоизини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 97,7 фоизга тенг бўлган. Кўрилатган даврда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларида рўйхатдан ўтган ишсизлар улуши мос равишда 4,7 ва 2,3 фоизга тенг бўлган.

Республикада иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ортиши ишсизлик даражасининг камайишини таъминлади (1.3.1-расм).



1.3.1-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ишсизлик даражаси, фоиз.²⁵

Республикада иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ортиши ишсизлик даражасининг камайишини таъминлади (1.3.1-расм).

2007-2011 йилларда юртимизда аҳолининг ишсизлик даражаси бир меъёрда бўлган, яъни 5 фоизни ташкил қилган. Бироқ бу кўрсаткичнинг йиллар бўйича ўзгариши унинг бир меъёрда бўлмаганини кўрсатади. Жумладан, 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси 0,1 бандга камайган, 2008-2009 йилларда 0,4 бандга кўпайган, 2009-2011 йилларда эса 5,3 фоиздан 5 фоизга тушган ёки 0,3 бандга камайган (1.3.1-расм).

Шундай қилиб, иш излаб меҳнат муассасаларига мурожаат қилганлар, иш билан таъминланганлар сони йилдан-йилга ошиб, ишсизлар сони ва даражаси пасайиб бориши кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби:

- иқтисодий фаол аҳоли ва иш билан банд аҳолининг ўсиб бориши;
- меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсиши, меҳнат муассасалари хизматларининг яхшиланиши ва уларга иш излаб мурожаат қилаётганлар сонининг ошиши;
- меҳнат муассасалари таклиф этаётган кўплаб бўш иш ўринларининг мавжудлиги, фуқароларни ишга жойлаштириш фаолиятининг яхшиланиши ва бунинг натижасида иш излаб мурожаат қилганлар аксарият қисмининг иш билан таъминланиши.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

1.3.6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар ва ишга жойлаштирилганлар сони динамикаси*

Худудлар	Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар сони, бирлик			Ишга жойлаштирилганлар сони, бирлик			Мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлаштирилганлар улуши, фоиз		
	2007 й	2009 й	2011 й	2007 й	2009 й	2011 й	2007 й	2009 й	2011 й
Қорақалпоғистон Республикаси	40151	47339	45115	36227	42976	43333	90,2	90,8	96,1
<i>вилоятлар:</i>									
Андижон	44852	55229	68236	39451	48313	62577	87,9	87,5	91,7
Бухоро	31976	39819	44475	27272	31668	40507	85,2	79,5	91,1
Жиззах	27693	32526	21457	23821	27957	18170	86,0	86,0	84,7
Қашқадарё	55603	58855	56419	49712	52175	50671	89,4	88,7	89,8
Навоий	29940	30269	23121	26220	26811	21373	87,5	88,6	92,4
Наманган	50010	58851	49655	41450	49861	45103	82,8	84,7	90,8
Самарқанд	53753	64355	76350	48708	59020	68360	90,6	91,7	89,5
Сирдарё	18367	20908	16210	15212	17725	14407	82,8	84,8	88,9
Сурхондарё	30695	38012	42689	28220	32911	38913	91,9	86,6	91,2
Тошкент	37216	43343	56743	33099	39203	52943	88,9	90,4	93,3
Фарғона	65777	76723	87934	57332	66596	77128	87,1	86,8	87,7
Хоразм	37055	46111	36291	28266	32073	31401	76,2	69,6	86,5
Тошкент ш.	34350	46158	36746	31545	38018	30805	91,8	82,4	83,8
Республика бўйича	557438	658498	661441	486535	565307	595691	87,3	85,8	90,1

* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларига иш сўраб мурожаат қилганларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган (1.3.6-жадвал). 2007-2011 йилларда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар сони 18,6 фоизга, ишга жойлаштирилганлар сони эса 5,3 фоизга ортган. Шу ўринда айтиш жоизки, иш сўраб мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлашганлар улуши 87,3 фоиздан 90,1 фоизга кўпайган (1.3.6-жадвал).

“Худудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди”²⁶ деб таъкидлайдилар И.А.Каримов.

Меҳнат муассасалари томонидан фуқароларни ишга жойлаштириш билан бирга, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, ишсиз фуқароларни турли касбларга тайёрлаш, пул тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш, меҳнат ярмаркалари уюштириш, меҳнат бозоридаги талабнинг ва таклифни тадқиқ қилиш, бу бозордаги талабни ўсишига кўмаклашиш, ҳукуматнинг меҳнат муносабатларидаги ижтимоий кафолатларини амалга ошириш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

1.3.7-жадвалда келтирилганидек, 2007-2011 йиллар давомида республика бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган кишилар сони 79,5 фоизга ортган. Таҳлиллар бу даврда Қорақалпоғистон

²⁶ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

Республикасидан ташқари барча ҳудудларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган кишилар сонининг ортганини кўрсатади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида”ги 353-сон қарорига асосан, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари қуйидаги мақсадларда ташкил қилинади:

- иш қидираётган шахс сифатида меҳнат органларида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи (меҳнат даромади) олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат органлари томонидан ишсиз деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

- биринчи марта иш қидираётган ва касби (мутахассислиги) бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш;

- турли сабабларга кўра касб фаолиятида анча узилишлар бўлган шахсларни (илгари болалар тарбияси, беморлар ва оиланинг кекса аъзоларига қараш билан машғул бўлган, жазони ўташ муассасаларидан озод қилинганлар ва бошқалар) меҳнатга қайта тиклаш;

- иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларини ишчи кучи билан таъминлаш.

Бозор муносабатлари шароитида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш – тўла ва самарали иш билан таъминлашга кўмаклашувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб, унга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг бир тури сифатида қаралади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, республикада касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони 2007 йилдаги 13676 нафардан 2011 йилда 26239 нафарга ёки 91,8 фоизга ортган.

Республикада ишга жойлашишга мухтож аҳолини бир марталик ишга жалб қилиш ишлари ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бу

фаолиятнинг моҳияти шундаки, ўз меҳнат лаёқатини қисқа муддатли (тўлиқ бир иш кунида

1.3.7-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган ва касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сонидинамикаси (киши ҳисобида)*

Худудлар	Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган кишилар сони			Касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони		
	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	4461	3406	76,3	317	972	306,6
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	1379	4929	357,4	1288	2735	212,3
Бухоро	1475	3680	249,5	778	1707	219,4
Жиззах	1208	1862	154,1	700	840	120,0
Қашқадарё	3324	4349	130,8	695	1385	199,2
Навоий	790	1927	243,9	495	982	198,3
Наманган	3474	3597	103,5	501	802	160,0
Самарқанд	1633	5500	336,8	555	1072	193,1
Сирдарё	728	3255	447,1	489	1966	402,0
Сурхондарё	918	1241	135,1	329	721	219,1
Тошкент	1273	4273	335,6	1028	2218	215,7
Фарғона	3071	6273	204,2	1735	3126	180,1
Хоразм	1771	2587	146,0	934	1273	136,3
Тошкент ш.	2122	2729	128,6	3832	6440	168,0
Республика бўйича	27627	49608	179,5	13676	26239	191,8

* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

ёки тўлиқсиз бир иш кунида, икки ёки ундан ортиқ, лекин бир ойдан кам иш кунида) ишга сарфлаш истагида бўлган фуқароларга меҳнат муассасалари иш берувчи ва ёлланма ишчини бир-бири билан учраштириш ва келишиб олишларига кўмаклашмоқда.

II бoб. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФOЙДАЛАНИШНИНГ ТАРМОҚЛАРАРО ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1 Наманган вилоятида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш

2011 йил якуни билан вилоят аҳоли сони 2344,5 минг кишини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,0 фоизни ташкил этди. Шундан меҳнат ресурслари сони 1368,8 минг нафарни ташкил этади.

Вилоятда 880,1 минг нафар иқтисодий фаол аҳоли мавжуд бўлиб, шундан 832,8 минг нафари меҳнатда бандлар, 47,3 минг нафари доимий иш билан банд бўлмаганларни, шундан 4405 нафари ишсизлик мақомини олиб “Бандликка кўмаклашиш” маркази ҳисобида турганларни ташкил этади.

2011 йил якуни билан “Бандликка кўмаклашувчи” марказларга жами 49655 нафар фуқаролар иш сўраб мурожат этдилар. Шундан 45103 нафари иқтисодиётнинг турли тармоқларида иш билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 3 декабрда “2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури тўғрисида”ги 119-II сонли қарорига мувофиқ Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2010 йил 12 декабрдаги (21/4-4-сонли) сессиясида белгиланган “2011 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш дастури”га асосан жами 71778 та янги иш жойлари яратиш белгиланган.

2011 йил якуни билан жами 72417 та янги иш ўринлари барпо этилди ёки бу кўрсаткич режага нисбатан 100,9 фоизни ташкил этди. Иш жойларининг 58240 таси (80,4 %) қишлоқ жойларида яратилди.

Яратилган иш жойларини салмоқли қисми яъни 44,6 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига (32310 та) яратилди.

Наманган вилоятида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати

№	Шаҳар ва туманлар номи	01.01.12 й ҳолатига аҳоли сони	меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони	ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар сони	иқтисодий фаол аҳоли	иқтисодиётда банд аҳоли сони	жами ишсизлар сони	меҳнат органларига мурожаат қилганлар сони	иш билан таъминланган ишсизлар сони	руйхатга олинган ишсизлар сони	қайд этилган бўш (вакант) иш ўринлар сони	яратилган янги иш ўринлари	шу жумладан:					хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида	қисқартирилган иш ўринлар сони
		минг. киши	минг. киши	минг. киши	минг. киши	минг. киши	Киши	киши	киши	киши	Бирлик	Бирлик	бирлик	бирлик	Бирлик	бирлик	Бирлик	Бирлик	Бирлик
	Вилоят бўйича	2344,5	1363,4	5,4	880,1	832,8	47258	49655	45103	4405	2196	72417	32310	5440	4512	26666	3489	26807	0
1	Наманган ш.	458,5	294,6	1,1	196,7	187,5	9232	9500	8728	698	840	14177	5722	1928	1681	4766	80	3665	0
2	Мингбулоқ	102,1	60,5	0,2	53,3	50,8	2454	2725	2484	277	116	5098	2486	60	180	1935	437	2152	0
3	Косонсой	168,2	94,9	0,4	58,8	55,0	3838	3517	3226	301	170	5722	2412	749	443	1849	269	1997	0
4	Наманган	191,6	105,2	0,4	65,0	61,5	3536	3962	3572	362	101	5544	2121	796	475	1956	196	1861	0
5	Норин	136,5	80,2	0,3	48,1	45,5	2649	3204	2888	336	82	5017	2560	118	170	1909	260	2153	0
6	Поп	181,6	104,4	0,4	78,0	74,6	3372	3814	3388	349	156	5247	2022	386	250	2020	569	1503	0
7	Тўрақўрғон	187,1	103,7	0,4	61,3	57,8	3455	3744	3388	354	176	4663	2024	241	205	1985	208	1762	0
8	Уйчи	196,7	107,5	0,5	67,8	64,0	3803	3905	3583	325	116	5026	2363	226	171	1984	282	2139	0
9	Учкўрғон	147,6	86,8	0,3	71,1	68,1	2979	3227	2904	313	45	4689	2008	227	150	1974	330	1780	0
10	Чортоқ	166,8	94,6	0,4	52,3	48,9	3366	3454	3187	316	184	4653	2226	131	193	1898	205	1943	0
11	Чуст	224,9	127,6	0,5	76,2	71,6	4560	4793	4294	425	114	6884	3283	333	305	2579	384	2986	0

Жумладан, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш хисобига 22843 та, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш хисобига 5440 та, хусусий тадбиркорликни ташкил этиш хисобига 9467 та, уй меҳнатини барча шакллари ташкил этиш хисобига 26666 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш хисобига 3024 та, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш хисобига 4512 та, ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш хисобига 465 та янги иш ўрни яратилди.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш орқали аҳолини иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда Наманган вилоятида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан янги объектларни ишга тушириш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига вилоятда яратилаётган янги иш ўринлари салмоғи йилдан йилга ортиб бормоқда. Вилоятдаги саноат корхоналарини қайта жихозлаш, қуриш, кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришга сармоялар киритиш йўли билан аҳолининг бу соҳаларда бандлик кўрсаткичлари ортмоқда. Корхоналар маҳсулот ишлаб чиқаришда уй меҳнатини ташкил этиш (меҳнат шартнамаси асосида касаначилик) орқали ногиронлар ва кўп болали оилаларни иш билан таъминлаш натижасида маҳсулотлари таннархини камайтиришга эришмоқдалар.

Ҳар бир иш жойининг мақсадга мувофиқ ташкил этилиши ишчи ўз вазифасини бажаришига қулайлик туғдириши, иш вақтининг бекор кетмаслигини, исроф бўлмаслигини таъминлаши, ишлаб чиқаришда маданий ва соғлом меҳнат вазиятини вужудга келтириши лозим. Худуднинг географик жойлашуви, аҳолиси, меҳнат ресурслари, табиий ресурслари ва хом ашё базаси анъаналаридан келиб чиқиб, турли минтақаларда турлича ишлаб чиқариш корхоналари ёки хизмат кўрсатиш

фирмалари ишга туширилиши мумкин. Масалан, юкларни ташишга эҳтиёж йўқ ҳудудда логистик хизмат кўрсатиш корхонасини ишга тушуриш мақсадга мувофиқ бўлмагани сингари шаҳар ҳудудида тракторларга хизмат кўрсатиш шаҳобчасини очиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Юқоридагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқариш корхоналари ёки кичик микрофирмаларни энг мақбул жойларда ташкил этиш янги иш жойларини ташкил этишга ёрдам берибгина қолмай, келажакда бу корхоналарнинг кенгайиши яна қўшимча меҳнат ресурсларига талабни оширади.

Наманган вилоятида яратилаётган янги иш ўринлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Вилоятда янги иш жойларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти шудаки, ташкил этилаётган иш ўринларининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тўғри келади. Наманган вилоятида яратилаётган янги иш ўринлари таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2010 йилда 44,9 фоизни ташкил этган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида янги иш ўринларини яратиш йилдан йилга ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Ушбу жараённинг динамикаси қуйидаги жадвалда таҳлил қилинган 2.2.1-жадвалда Наманган вилоятида 2008-2010 йилларда жами яратилган иш ўринлари таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши таҳлил қилинган бўлиб, жадвал маълумотларига мурожаат қиладиган бўлсак, 2008 йилда Наманган шаҳрида жами 11505 та янги иш ўрни яратилган бўлса, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 3993 та билан, Наманган шаҳрида яратилган жами иш ўринларининг 34,7% ни, Мингбулоқ туманида жами 2919 та, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 1011 та кўрсаткич билан Мингбулоқ туманида яратилган жами янги иш ўринларининг 34,6 % ни, Косонсой туманида жами яратилган иш ўринларининг 34,9 % ни, Наманган туманида 25,9% ни, Норин туманида жами яратилган иш ўринларининг 44,4 % ни, Поп туманида жами яратилган иш ўринларининг 41,4 % ни, Тўрақўрғон

туманида жами яратилган иш ўринларининг 42,9 % ни, Уйчи туманида жами яратилган иш ўринларининг 34,0 % ни, Учқўрғон туманида 34,8 % ни, Чортоқ туманида жами яратилган иш ўринларининг 36,4 % ни, Чуст туманида 39,0 % ни, Янгиқўрғон туманида жами яратилган иш ўринларининг 40,2 % ни ташкил қилган.

2009 йилда Наманган шаҳрида жами 12456 та янги иш ўрни яратилган , шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 5372 та яратилган янги иш ўринлари билан Наманган шаҳрида яратилган жами иш ўринларининг 43,1 % ни, Мингбулоқ туманида жами 5242 та янги иш ўринлари яратилган, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 2317 та кўрсаткич билан Мингбулоқ туманида яратилган жами янги иш ўринларининг 44,2 % ни, Косонсой туманида жами яратилган иш ўринларининг таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 40,9 % ни, Наманган туманида 33,0 % ни, Норин туманида жами яратилган иш ўринларининг таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 46,6 % ни ташкил этган бўлса, Поп туманида жами яратилган иш ўринларининг таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 39,1 % ни, Тўрақўрғон туманида жами яратилган иш ўринларининг таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хиссаси 40,9 % ни, Уйчи туманида жами яратилган иш ўринларининг таркибида эса 44,3 % ни, Учқўрғон туманида жами 4466 та янги иш ўрни яратилган , шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 1745 та яратилган янги иш ўринлари билан туманда яратилган жами иш ўринларининг 39,1 % ни, Чортоқ туманида жами яратилган иш ўринларининг таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 43,5 % ни, Чуст туманида 44,7 % ни, Янгиқўрғон туманида эса жами яратилган иш ўринлари 6351тани ташкил қилган, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган иш ўринлари 2940 та бўлиб 46,3 % ни ташкил қилган.

2010 йилда Наманган шаҳрида жами 14640 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 5943 та янги иш ўринлари яратилган ва бу Наманган шаҳрида яратилган жами иш ўринларининг 40,5% ни, Мингбулоқ туманида жами 4956 янги иш ўринлари яратилган, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 2506 та кўрсаткич билан Мингбулоқ туманида яратилган жами янги иш ўринларининг 50,6 % ни, Косонсой туманида жами 5720 та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, шундаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси яратилган иш ўринларининг 44,8 % ни, Наманган туманида жами 5305 та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 1777 та янги иш ўринлари яратилган ва туманда яратилган жами иш ўринларининг 33,5 % ни ташкил қилган, Норин туманида жами яратилган иш ўринларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси 50,4 % ни, Поп туманида жами яратилган иш ўринларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси 44,5 % ни, Тўрақўрғон туманида жами 4785 та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган иш ўринлари 2095 тани ташкил қилган ва туманда яратилган яратилган жами иш ўринларининг 43,8 % ни, Уйчи туманида жами яратилган иш ўринларининг 48,6 % ни, Учқўрғон туманида 43,8 % ни, Чортоқ туманида жами 4253 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 1938 та яратилган янги иш ўринлари билан, Чортоқ туманида яратилган жами иш ўринларининг 45,6% ни, Чуст туманида жами 6679 та янги иш ўрни яратилган, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 3256 та яратилган янги иш ўринлари билан, Чуст туманида яратилган жами иш ўринларининг 48,7% ни, Янгиқўрғон туманида жами яратилган иш ўринларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган иш ўринларининг ҳиссаси 51,6 % ни ташкил қилган.

Вилоят бўйича олганимизда 2008 йилда жами 49672 та янги иш ўринлари яратилган, шундан 18206 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган, бу жами яратилган иш ўринларининг 36,7 % ни ташкил қилган. 2009 йилда эса жами 70762 та иш ўрни ташкил этилган бўлиб, унинг таркибидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган иш ўринлари ҳиссаси 29953 тани ташкил қилган, жами яратилган иш ўринларига нисбатан олсак бу 42,3 % ни ташкил этади. 2010 йилда вилоят бўйича жами 71159 та янги иш ўрни яратилган, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 31963 та янги иш ўринлари яратилган, бу 2010 йилда яратилган жами иш ўринларининг 44,9 % ни ташкил этади. 2011 йилда бу соҳада 32066 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда, бу жами яратилиши кутилаётган иш ўринларининг 44,7 фоизини ташкил этиши режа қилинган.

Таҳлилдан кўриниб турибдики, йилдан йилга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилаётган янги иш ўринлари сони ортиб бормоқда. Республика миқёсида кўрганимизда 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини барпо этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун бир қатор мақбул шароитлар яратилиб келинмоқда.

Республикаимизда 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили деб эълон қилиниши бу соҳада берилаётган эътиборни янада кучайтириди. Наманган вилоятида 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 32066 та янги иш яратиш режалаштирилган. Қуйидаги 2.1.2- жадвалда Наманган вилоятида 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратиладиган иш ўринлари таҳлили келтирилган.

2.2.2-жадвалда Наманган вилоятида 2011 йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" давлат дастури доирасида яратиладиган иш ўринлари таҳлили қилинган. Унга кўра Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига, жами Наманган шаҳрида 5490 та, Мингбулоқ туманида 2526 та, Косонсой туманида 2411 та, Наманган туманида 2109 та, Норин туманида 2550 та, Поп тумунмда 2008 та, Тўрақўрғон туманида 2019 та, Уйчи туманида 2352 та, Учқўрғон туманида 2025 та, Чортоқ, Чуст ҳамда Янгиқўрғон туманларида мос равишда 2220 та, 3278 ва 3078 тадан янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, шундан кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига Наманган шаҳрида 3786 та, Мингбулоқ туманида 1722 та, Косонсой туманида 1787 та, Наманган туманида 1424 та, Норин туманида 1699 та, Поп тумунмда 1520 та, Тўрақўрғон туманида 1342 та, Уйчи туманида 1851 та, Учқўрғон туманида 1397 та, Чортоқ туманида 1570 та, Чуст туманида эса 2238 та, Янгиқўрғон туманида 2274 та иш ўринин яратиш режалаштирилмоқда. Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ўз таркибига саноат, уй- жой қуриш ва таъмирлаш соҳаси, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ва бошқа соҳаларни олган бўлиб, шундан саноатда Наманган шаҳрида 1419, Мингбулоқ туманида 122 та, Косонсой туманида 140 та, Наманган туманида 68 та, Норин туманида 250 та, Поп тумунмда 50 та, Тўрақўрғон туманида 86 та, Уйчи туманида 66 та, Учқўрғон туманида 81 та, Чортоқ, туманида 95 та, Чуст ҳамда Янгиқўрғон туманларида мос равишда 210 та, 141 тадан, уй- жой қуриш ва таъмирлаш соҳасида Наманган шаҳрида 555, Мингбулоқ туманида 254 та, Косонсой туманида 280 та, Наманган туманида 188 та, Норин туманида 150 та, Поп тумунмда 469 та, Тўрақўрғон туманида 174 та, Уйчи туманида 148 та, Учқўрғон туманида 165 та, Чортоқ, туманида 188 та, Чуст туманида 85 та ва Янгиқўрғон туманида 74 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида Наманган шаҳрида 1734, Мингбулоқ туманида 1209 та, Косонсой туманида 1168 та, Наманган туманида 1066 та,

Наманган вилоятида янги иш уринлари яратилиши


Янги иш ўринлари яратишнинг асосий йўналишлари	Жами 2011 йилда	шаҳар, туманлар номи											
		Наманган шаҳри	Мингбулок тумани	Косонсой тумани	Наманган тумани	Норин тумани	Поп тумани	Туракурган тумани	Уйчи тумани	Учкурган тумани	Чортоқ тумани	Чўст тумани	Янгикурган тумани
Жами яратиладиган иш ўринлари	72417	13917	5097	5716	5524	4967	5138	4644	4973	4688	4586	6863	5665
шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:													
Янги йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ва мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини янгилаш	5377	1918	58	749	794	112	358	241	226	227	121	332	241
Янги йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш	902	486		40	25	20	68	80	95	63	-	-	25
Мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш	4475	1432	58	709	769	92	290	161	131	164	121	332	216
кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиш	22610	3786	1722	1787	1424	1699	1520	1342	1851	1397	1570	2238	2274
шундан:													
саноатда	2728	1419	122	140	68	250	50	86	66	81	95	210	141
қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан уй- жой қурилиши ва таъмирлаш	2730	555	254	280	188	150	469	174	148	165	188	85	74
хизмат кўрсатиш, (савдо ва умум. Овқат)	17152	1812	1346	1367	1168	1299	1001	1082	1637	1151	1287	1943	2059
Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш	9456	1704	804	624	685	851	488	677	501	628	650	1040	804

Норин туманида 1120 та, Поп тумунмда 830 та, Тўрақўрғон туманида 976 та, Уйчи туманида 1507 та, Учқўрғон туманида 1001 та, Чортоқ, , Чуст ҳамда Янгиқўрғон туманларида мос равишда 1130 та, 1759 ва 1872 тадан, бошқа соҳаларда Наманган шаҳрида 78 та, Мингбулоқ туманида 137 та, Косонсой туманида 199 та, Наманган туманида 102 та, Норин туманида 179 та, Поп тумунмда 171 та, Тўрақўрғон туманида 106 та, Уйчи туманида 130 та, Учқўрғон туманида 150 та, Чортоқ, туманида 157 та, Чуст туманида 184 та, Янгиқўрғон туманида 187 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида Наманган шаҳрида 1704, Мингбулоқ туманида 804 та, Косонсой туманида 624 та, Наманган туманида 685 та, Норин туманида 851 та, Поп тумунмда 488 та, Тўрақўрғон туманида 677 та, Уйчи туманида 501 та, Учқўрғон туманида 628 та, Чортоқ, туманида 650 та, Чуст ҳамда Янгиқўрғон туманларида мос равишда 1040 та, 804 таданиш ўринлари яратиш режа қилинган

Вилоят бўйича жами 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 32066 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган булиб шундан, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилишда 22610 та, саноатда 2728 та, уй- жой қуриш ва таъмирлаш соҳасида 2730 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 15372 та ҳамда бошқа соҳаларда 1780 та иш ўрнини яратиш режалаштирилган. Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш орқали эса 9456 та янги иш ўринлари ташкил қилиш режа қилинган.

Жадвалдан хулоса қилиш мумкинки 2011 йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар шу соҳанинг ривожланиши билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган аҳоли сонининг ортишига олиб келади. Наманган вилоятида 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратиладиган иш ўринлари қуйидаги диаграммада келтирилган.



2.1.1-диаграмма Наманган вилоятида 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратиладиган иш ўринлари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили доирасида тайёрланган умумдавлат дастурида 2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини барпо этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун бир қатор мақбул шароитлар яратилиб келинмоқда.

2.2. Наманган вилояти иқтисодиёт тармоқларида меҳнат ресурсларини бандлигини оширишнинг ташкилий асослари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган. Ушбу мақсадга эришишда оқилona бандлик таркибини шакллантириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини муттасил ошириб бориш муҳим ўрин тутади.

2.2.1-жадвал

2006-2010 йилларда Наманган вилоятида меҳнат ресурслари таркибининг ўзгариши (минг киши)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан	
	2006	2007	2008	2009	2010	+, -	%
Жами аҳоли сони	2137,7	2181,0	2224,1	2268,5	2313,9	176,2	108,2
Шундан: Эркаклар	1046,3	1068,7	1088,6	1110,3	1132,5	86,2	108,1
Аёллар	1091,4	1112,3	1135,5	1158,2	1181,4	90	108,3
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони	1165,3	1188,6	1212,4	1236,6	1261,4	96,1	108,2
Шундан: Эркаклар	569,0	582,4	582,0	603,8	615,9	46,9	108,1
Аёллар	596,3	606,2	620,4	632,8	645,5	49,2	108,3
Фаол бўлмаган аҳоли сони	344,5	352,3	359,9	370,6	380,0	35,5	110,3
Шундан: ўқувчилар, талабалар	148,1	151,1	154,1	157,2	160,3	12,2	108,2
Бола парвариши билан банд бўлганлар	158,8	162,0	165,2	168,5	170,9	12,1	107,6
Иқтисодий фаол аҳоли сони	820,8	836,3	852,5	866,1	881,4	60,6	107,4
Шундан: Эркаклар	392,8	399,7	407,2	411,9	418,1	25,3	106,4
Аёллар	428,0	436,6	445,3	454,2	463,3	35,3	108,2
Иш билан банд бўлган аҳоли сони	716,0	730,2	744,9	759,8	774,0	58	108,1
Шундан: Эркаклар	350,8	357,7	365,0	372,3	379,0	28,2	108
Аёллар	365,2	372,5	379,9	387,5	395,0	29,8	108,2
Иш билан бандлик даражаси, %	87,3	87,3	87,4	88,9	87,8	+0,5	-
Эркакларнинг иш билан бандлик даражаси, %	89,3	89,4	89,6	90,4	90,6	+1,3	-
Аёлларнинг иш билан бандлик даражаси, %	85,3	85,3	85,3	85,3	85,2	-0,1	-
Банд бўлмаган ишчи кучи	104,8	106,1	107,6	106,3	106,4	1,6	101,5
Шундан: Эркаклар	44,0	44,6	45,2	44,7	44,7	0,7	101,6
Аёллар	60,8	61,5	62,4	61,6	61,7	0,9	101,5

Манба: Наманган вилояти ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон меҳнат ресурсларига бой мамлакат ҳисобланиб, демографик ривожланишнинг ўзига хослиги ҳар йили меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсишини таъминлайди. Республикамизга хос бўлган бундай хусусият Наманган вилоятига ҳам тегишли.

Таҳлилларга қараганда сўнгги йиллар мобайнида Наманган вилоятида аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,6 фоизга тенг бўлган. Бу эса республика ўртача кўрсаткичидан (1,3 фоиз) юқори ҳисобланади.

Албатта, аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиши меҳнат ресурсларининг шаклланишига ва меҳнат бозори фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Наманган вилоятида иш билан банд бўлган аҳоли сони ўсиш суръатининг иқтисодий фаол аҳолига нисбатан юқори бўлганлиги аҳоли иш билан бандлик даражасининг ошишига олиб келган. Чунончи, 2006 йилда вилоятда аҳолининг иш билан бандлиги даражаси 87,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 87,8 га тенг бўлган ёки 0,5 фоизга ўсган. Айни вақтда аёлларда бандлик даражасининг эркакларга нисбатан пастлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2010 йилда аёлларнинг бандлик даражаси 85,2 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, эркакларда бу кўрсаткич 90,6 фоизни ташкил этган. Умуман иш билан банд бўлмаган аёллар сони 60,8 минг кишидан 61,7 минг кишигача кўпайган. Бу ҳолат вилоятда аёллар бандлигини таъминлаш бўйича тезкор чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда, шунингдек Наманган вилоятида ҳам расмий рўйхатга олинган ишсизлик даражаси ҳақиқатдан бир мунча йироқдир.

Бундай вазият ўтиш даврининг чигалликлари сабабли корхоналар ишчи кучини ўз вақтида бўшатиб беришни пайсалга солаётганликлари, бандликни тартибга солиш ва уни ҳисобга олишнинг бозор механизмлари етарли ривожланмаганлиги билан изоҳланади. Ушбу ва бошқа сабабларга кўра ишсизлик муайян даражада яширин характерга эга бўлади.

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашаётган даврда Наманган вилоятида расмий ва норасмий ишсизлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, статистик маълумотлар таҳлили 2001-2011 йиллар давомида вилоятда расмий ишсиз сифатида рўйхатга олинган кишилар сони 0,9 минг нафардан 1,0 минг нафарга етиб, 18,4 фоизга, рўйхатга олинмаган ишсизлар сони эса 32,4 минг нафардан 44,9 минг нафарга етиб, 38,4 фоизга ортганлигини кўрсатади.

Ваҳоланки, бу даврда республикада расмий ишсизлар сони 37,5 минг нафардан 23,2 минг нафарга ёки 38,2 фоизга камайган.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 2010 йилда республика бўйича норасмий меҳнат бозорида иқтисодий фаол аҳолининг 13,5 фоизи бир марталик ва мавсумий ишларга жалб этилган бўлса, ушбу кўрсаткич таҳлил этилаётган йилда Наманган вилоятида 6,3 фоизни ташкил қилган.

Наманган вилоятида бир марталик ва мавсумий ишларга жалб этилганлар республика бўйича жами жалб этилганларнинг 11,2 фоизини ташкил қилиб, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидан кейинги учинчи ўринда туради. Ушбу ишлар барқарор иш ўрни вазифасини ўтамасада, аҳолининг маълум қисми учун даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур кўрсаткични таҳлилнинг солиштирма усули орқали кўриб чиқадиган бўлсак, саноатда иш билан банд бўлганларнинг сони билан бир марталик ва мавсумий ишларга жалб этилаётган аҳолининг қатлами деярли бир хил кўрсаткични намоён этмоқда. Аммо, масаланинг иккинчи томони шундаки, саноатда банд бўлган аҳолининг иш ҳақларидан даромад солиғи ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ажратиш орқали давлат ғазнасига улуш қўшилмоқда. Бир марталик иш билан банд этишдан бўлганлардан эса бундай тўловлар тушмайди. Лекин, бу турли хил ижтимоий хавфларнинг олдини олишда ва меҳнат бозорида мувозанат ҳолатини таъминлашда ҳамда иш берувчилар учун тезкор ишларни бажаришда қўл келади.

Ислохотларнинг дастлабки йилларида маъмурият томонидан ходимларга узоқ муддатли таътил берилиши, иш ҳақининг вақтида тўланмаслиги, ишчи кучига талабнинг қисқарганлиги ишчи кучининг расмий иқтисодиётдан норасмий секторга кўплаб ўтиб кетишига олиб келди. Айниқса, кейинги йилларда бу ҳодисанинг миқёси ошиб борди ва ҳозирги вақтда аҳолининг катта қисми норасмий секторда (кўпроқ тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаларида) ишлаб турибди.

Норасмий сектордаги бандлик, унинг мазмун ва моҳияти тушунчаларини аниқлашга турлича ёндашувлар аёлларнинг бандлиги

муаммоларини амалий ҳал этишни мураккаблаштирмоқда. Муаллифнинг фикрича, норасмий бандлик моҳият эътибори билан иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлик деган маънога яқин келади, бироқ ҳисоб-китобларнинг хусусиятлари туфайли унинг миқёслари норасмий сектордаги бандлик миқёсидан ошиб кетади. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг расмий секторида ҳам норасмий бандлик мавжудлигини эътибордан қочирмаслик лозим.

Маълумки, иқтисодий ислохотларга қадар вилоятда аҳоли иш билан бандлигининг асосий қисми (41,9 фоиз) қишлоқ хўжалигига тўғри келар эди. Бунинг асосий сабаби вилоят режали иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, яъни пахта толаси, пилла, мева ва сабзаёт маҳсулотларини етиштиришга сунъий равишда ихтисослаштирилганлигидир. Ўша пайтдаги иш билан бандлик таркиби режали иқтисодиёт шароитида шаклланган таркиб эди ва бозор муносабатлари билан алоқадор эмасди.

Саноат соҳаси ҳам вилоятда собиқ Иттифоқ даврида шаклланган бўлса-да, аммо бозор муносабатларига асосланмаган эди. Демак, ресурслар тақсимооти сунъий равишда амалга оширилган, яъни саноат соҳасини куришда аҳолининг эҳтиёжлари инобатга олинмаган эди. Иттифоқ кулагандан сўнг иқтисодий алоқалар узилиб, саноатга зарур бўлган кўпгина эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналарни иттифоқдош республикалардан келтирилиши тўхтади. Қолаверса, ўша пайтдаги саноат товарлари сифати паст ва рақобатбардош эмас эди. Қишлоқ хўжалигидан бўшаб қолган ишчи кучини саноат соҳаси иш билан таъминлай олмаслиги табиий ҳол бўлди, чунки саноат соҳасидан ҳам ишчи кучи бўшай бошлади.

Кўпгина саноат корхоналари инқирозга учради ва қайта шакллантирилди. Янги муҳитда вужудга келаётган саноат корхоналаридаги фаолият бозор муносабатларига асосланган бўлиб, улар ўзларининг юқори рақобатбардошлиги билан ажралиб тура бошлади

2002-2011 йиллар давомида Наманган вилоятида саноатда банд бўлган аҳоли сони мунтазам ўсиб борган.

Шундай қилиб, Наманган вилоятида аҳоли иш билан бандлиги тармоқларро таркибининг таҳлили иқтисодиётнинг аксарият тармоқларида бандлик кўрсаткичи ортиб, бошқа тармоқларида эса камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида истиқболда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларида ҳам ўзига хос ўзгаришларнинг амалга оширилишини талаб этади.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтиш даврида иш билан бандликнинг тармоқларро таркибига эмас, унинг ёш-жинс, касб-малака таркиби ҳам ўзгариб бормоқда. Шу билан бирга, иш билан бандликнинг касб-малака таркибини ўрганиш учун расмий статистик маълумотлар етарли бўлмаганлиги сабабли, уни турли ҳисоб-китоблар орқали аниқлашга ҳаракат қилинди. Масалан, мавжуд касб бўйича бўш иш ўринлари тўғрисидаги ҳисоботлар асосида ҳамда танланма ўрганиш натижасида иш билан бандлик таркибини аниқлашга муваффақ бўлдик. Жами касблар сони 10 мингтадан ортиқ бўлганлиги сабабли, улар гуруҳланади ва ҳар бир касб гуруҳ ичида бир-бирига маъно жиҳатдан ўхшаш, лекин шаклан ва малака даражаси билан фарқланадиган касблар сони кўрсатилади.

Статистик маълумотларга қараганда, Наманган вилоятида иш билан бандликнинг ёш таркибида 25-29, 30-39 ва 40-49 ёш гуруҳида бандлик даражаси юқори бўлган ва даврлар бўйича ўзгариб борган.

2002 йилда вилоятда аҳолининг бандлик даражаси 16-24 ёш гуруҳидаги 14,9 фоиз, 25-29 ёш гуруҳида – 18,5 фоиз, 30-39 ёш гуруҳида – 27,2 фоиз, 40-49 ёш гуруҳида – 25,8 фоиз, 50-54 ёш гуруҳида – 8,9 фоиз, 55 ва ундан юқори ёшдагиларда 4,7 фоизга тенг бўлган. 2010 йилга келиб бу кўрсаткичлар мос равишда 13,9 фоиз; 18,6 фоиз; 28,3 фоиз; 25,6 фоиз; 9,0 фоиз ва 4,6 фоизни ташкил этган. Яъни, вилоятда аҳоли иш билан бандлигининг ёш таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган саккиз йил давомида 16-24 ёш гуруҳида аҳоли иш билан бандлигининг 1,0 пунктга, 40-49 ёш гуруҳида – 0,2 пунктга, 55 ва ундан юқори ёшдагиларда – 0,1 пунктга камайганлигини, аксинча, 25-

29 ёш гуруҳида – 0,1 пунктга, 30-39 ёш гуруҳида – 1,1 пунктга, 50-54 ёш гуруҳида эса 0,1 пунктга ортганлигини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Наманган вилоятида ёш гуруҳлари бўйича иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонининг ўзгариши унинг шаҳар ва туманларида ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Наманган вилоятида ёш гуруҳлари бўйича иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонини республика ўртача кўрсаткичи билан таққослаш вилоятда иш билан банд бўлганлар сони 16-24, 55 ва ундан юқори ёшдагиларда республика ўртача кўрсаткичидан баланд, қолган ёшдагиларда эса паст эканлигини кўрсатади.

Наманган вилоятида соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий таъминот, молия, кредит, таълим, маданият, фан ва илмий хизмат соҳаларида аёлларнинг улуши юқори, саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва тайёрлов, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида эса эркакларнинг улуши юқори эканлигини ва бир меъёрга бўлмаганини кўрсатади.

Жумладан, кўрилаётган даврда аёлларнинг улуши саноат, соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий таъминот, таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизматда – 0,2, савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов, уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда – 0,1 пунктга ўсгани ҳолда, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 1,1 пунктга камайган ҳамда қурилиш, транспорт ва алоқада ўзгаришсиз қолган. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган даврда эркакларнинг улуши савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов, уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий таъминот, таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизматда 0,1 пунктга ўсгани ҳолда, саноат, транспорт ва алоқада – 0,2, қурилишда – 0,3 пунктга кўпайган, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида эса, аксинча, 1,3 пунктга камайган.

Бозор иқтисодиёти шароитларида Наманган вилоятида иш билан бандликнинг касб гуруҳлари таркибида ҳам ўзгаришлар содир бўлмоқда

Жумладан, кўрилатган даврда вилоятда ҳисобчилар сони – 42,6, иқтисодчилар сони – 259,0 муҳандислар сони – 2,9, врачлар сони – 1,9, тиббиёт ҳамширалари ва санитарлар сони – 21,3, ўқитувчи ва тарбиячилар сони – 15,2, ҳуқуқшунослар сони – 12,6, ЭХМ операторлари сони – 392,3, операторлар сони – 29,9, малакасиз ишчилар сони – 40,4 фоизга кўпайган бўлса, бошқарувчи ходимлар сони – 17,4, механиклар сони – 16,2, чилангарлар сони – 11,4, технологлар сони – 8,5, ҳайдовчилар сони – 7,5, бошқа малакали ишчилар сони эса 6,2 фоизга кўпайган.

Вилоятда иқтисодчилар, ЭХМ операторлари, ҳисобчилар сонининг юқори суръатда кўпайиши бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бу касб эгаларига талабнинг ошиши билан изоҳланади. Шу билан бирга, малакасиз ишчилар орасида иш билан бандликнинг ортишига сабаб вилоятда ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси пастлиги ва бу ишчи кучининг жуда арзонлигидир. Таъкидлаш жоизки, механик, чилангар, технолог каби касблар собиқ иттифок даврида оммалашган эди. Чунки, ўша даврда саноат режа асосида шаклланган ва ишлаб чиқаришда электроникага асосланган технологияларнинг ишлатилиши паст даражада эди.

Олиб борган таҳлилларимиз Наманган вилоятида кўп учрайдиган касб ва лавозимлар бўйича бўш иш ўринлари мавжудлигини кўрсатди. Статистик маълумотлар таҳлил қилинганида вилоят ишчилари орасида электр пайвандчи, ҳайдовчи, тўқувчи, монтажчи, бўёқчи, сувоқчи, мутахассис ва хизматчилар орасида эса врач, услубчи ўқитувчи, врач лаборант, суғурта вакили инспектори лавозимларига бўш иш ўринлари миқдорининг кўплиги маълум бўлди.

Меҳнат халқаро бюроси томонидан 1995 йилда тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси лойиҳасига доир шарҳларда кўрсатилганидек, бир томондан лойиҳада хотин-қизларга доир ғамхўрлик қониқарли бўлса, иккинчи томондан «хотин-қизларни ҳимоя қилишга қаратилган чоралар билан хотин-қизларни ишга олиш ва уларни иш

жойларида қолдириш учун иш берувчиларни рағбатлантириш ўртасида энг маъқул мувофиқликни топиш зарурлигига» эътибор қаратилган.

Шуни таъкидлаш керакки, хотин-қизлар учун белгиланган қўшимча кафолат ва имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган, 1996 йил 1 апрелдан амалга киритилган Меҳнат кодексида мустаҳкамлаб қўйилган. Хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланувчи иш берувчилар уларга қонунчиликда назарда тутилган қўшимча кафолат ва имтиёзларни тақдим этишда муайян даражада ҳаражат қилишларига тўғри келади.

Бироқ, амалдаги қонунчиликда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланадиган иш берувчилар учун солиқ ёки бошқа имтиёзлар берилиши назарда тутилмаган. Натижада кўп сонли хотин-қизлар ишлайдиган корхона фойда олиши қийин бўлган шароитга тушиб қолади, унга эркаклар кўпроқ ишлайдиган корхоналар билан рақобатлашиш қийинлашади. Оқибатда, хотин-қизлар учун назарда тутилган қўшимча имтиёзлар амалиётда зиддият келтириб чиқариб, хотин-қизларнинг меҳнат ва машғулотлар соҳасида ҳамда уларни ишга олишда камситилишига сабаб бўлиши мумкин.

2.3. Наманган вилоятида янги иш ўринларини яратиш ва меҳнат ресурсларини самарали бошқариш

Ҳар бир мамлакатнинг меҳнат бозоридаги аҳволи, биринчи навбатда, унинг иқтисодиётига бевосита боғлиқ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, айниқса, меҳнат бозорига чуқур салбий таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши ишсизлик даражаси хаддан ташқари ошишига олиб келди.

Иқтисодий тараққиёт ва инсон салоҳиятини ривожлантириш бевосита иш билан бандликка боғлиқ. Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасида номуносиблик юзага келиши биргина иқтисодий ўсишга

таъсир кўрсатиб қолмасдан, иқтисодий рақобатбардошлигига ҳам путур етказди. Бундай номутаносиблик оқибатида:

- ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари пасаяди;

- иқтисодий таркибида ҳам номутаносибликлар (тармоқлар ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари ривожланишининг номутаносиблиги) пайдо бўлади;

- худудларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича табақаланиши кучаяди;

- норасмий секторларда тўлиқ бўлмаган ва самарасиз иш билан бандлик кўлами кенгаяди;

- давлат бюджети ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза этиш тизимида сарф харажатлар ортади;

- меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кучаяди.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида аҳолини иш билан кафолатли таъминлашга биринчи даражали эътибор берилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этишга қаратилган энг устувор вазифалар қаторида “янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш” зарурлигини кўрсатиб ўтганлар.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитларида меҳнат бозори самарали фаолият олиб бориши учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш талаб этилади:

- меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш. Бу, меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни ҳаётий заруриятга айлантиради;

-аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначиликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал суръатларда ривожлантириш;

-аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари учун иш ўринларини квоталаш;

-янги иш ўринларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ, кредит имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар бериш;

-давлат ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишларини ташкил этиш.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бош мақсадларидан бири ҳисобланади. Чунки, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, иш билан бандлик аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим шартидир. Шу боис ҳам, республикаимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар негизида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, турмуш даражасини юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш ётади.

Айнан шу сабабли, қайси чора-тадбирларни олмайлик, у хоҳ тармоқларни ривожлантириш бўладими, хизматлар соҳасини кенгайтириш бўладими, экспорт салоҳиятини ошириш бўладими, инвестиция, локализация, модернизация ёки инфратузилмани ривожлантириш дастурлари бўладими, барчасининг туб негизида янги иш ўринларини яратиш асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Президентимиз бошчилигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига назар ташлайдиган бўлсак, унда барча чораларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шу жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервисни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, ҳамда касаначилик меҳнاتини кенгайтириш натижасида

2009 йилда 940 мингта янги иш ўринлари яратилган, хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш ҳудудий дастурларига мувофиқ 660 мингга яқин ҳамда Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури доирасида қабул қилинган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида эса 280 мингдан ортиқ иш жойлари барпо қилинган. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 391 мингта, уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш ҳисобига 196 мингта ҳамда ишлаб чиқариш объектларини ишга тушуриш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш натижасида эса 70 мингдан кўпроқ янги иш ўринлари ташкил этилган.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан кўпроғи ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначиликни ривожлантиришга тўғри келади.

“Хисобот йилида янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга олирилиши натижасида яратилган бир миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди”²⁷ деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А.Каримов.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий

²⁷ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда ўта муҳим роль ўйнайди.

Республикамизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора тадбирлар натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда эса бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётимизнинг ушбу соҳаси юртимизда қандай катта суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини юқоридаги рақамлар кўрсатиб турибди. 2011 йилда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 июлдаги “Наманган вилоятининг индустриал салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда Наманган шаҳар инфратузилмасини ва ободонлаштирилишини сифат жихатдан яхшилаш чоралари хақида”ги Фармойишлари ҳамда 2009 йилнинг 6 август кунги 1170-сонли Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 14 августдаги 232-сонли ҳамда 246-сонли Қарорларига асосан вилоятда 2009-2012 йилларда 289112 та (буни 50-51 фоизи аёллар учун) янги ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Шундан 2009 йилда 70311 та иш ўрни яратиш белгиланиб, бу кўрсаткич 70762 тага бажарилган, 2010 йилда 71039 та иш ўринлари яратиш белгиланиб, йил якунида 71159 та янги иш ўринлари барпо этилган ёки бу кўрсаткич дастурда белгиланганига нисбатан 100.2 фоизни ташкил этган, 2011 йилда 72778 та, 2012 йилда 74984 та янги ишчи ўринлари яратиш режалаштирилган.

Вилоятимизда янги иш ўринларини яратиш дастурининг ижросини сўзсиз таъминлаш учун қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- маҳаллий Кенгашлар, доимий комиссиялар ва турли даражадаги депутатлар ҳудудий дастурда белгиланган йўналишлар бўйича янги иш ўринларини яратишнинг манзилли ижросини таъминлаш, бунда айниқса,

инфратузилмани ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, замонавий минитехнологияларни жорий этган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш каби чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим;

- хўжалик бирлашмалари тармоқни ривожлантириш дастурлари доирасида йирик лойиҳаларни амалга ошириш, инвестицияларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш. Айниқса, бунда иш ўринларининг стационарлик хусусиятларини таъминлашга устивор вазифа сифатида қараш талаб қилинади;

- ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва хўжалик юритувчи субъектлар бўйича иш жойлари яратилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш;

- меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган ҳудудларда кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, аҳоли уй-хўжалигини қўллаб-қувватлаш орқали янги иш жойларини яратишга Иш билан бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг устувор ажратилишини таъминлаш;

- туман (шаҳар) Иш билан бандликка кўмаклашиш марказларининг касб-хунар коллежларининг битирувчилари ва муддатли харбий хизматни тугаллаб келганларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ихтисослаштирилган иш жойлари ярмаркалари ўтказиш чора-тадбирларини фаоллаштириш;

- мулкчилик ва хўжалик шакли, идоравий бўйсинишидан қатъи назар корхона ва ташкилотларда ишга қабул қилиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан меҳнат қонунчилигига қатъий риоя этилишини назорат қилиб бориш ва текшириш.

Вилоятимизда янги иш ўринларини яратишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

- бозорда рақобатбардош, юксак экспорт салоҳиятига эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий, юқори унумли техник жихозлар ва технологиялар билан таъминланган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва янгиларини барпо этиш;

- бозор конъюктурасига тез мослаша оладиган, ишлаб чиқариш хажми бўйича унча катта бўлмаган корхоналар барпо этишга, бу корхоналарда маҳсулот турларини қисқа муддатда кўпайтириш имконини берадиган мослашувчан технологияларни жорий қилишга;

- янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишда асосан маҳаллий хом ашё ва моддий ресурслардан фойдаланишни назарда тутишга. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида кичик корхоналар ташкил этиш чора тадбирларини кўриш ўта муҳим. Бу корхоналарда устувор равишда қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш талаб этилади.

Худудий меҳнат бозори доирасида янги иш ўринларини яратиш бўйича дастурларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органлари муайян корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот ёки кўрсатаётган хизматнинг истеъмолчиси сифатида майдонга чиқишлари мумкин. Бугунги кунда аниқ бир тадбиркорни қўллаб-қувватлашнинг энг асосий кафолати у томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни ишлаб чиқариш сарф-харажатларини қоплайдиган ҳамда фойданинг ўртача меъёрини шакллантирадиган нархда сотиб олишдир. Муайян туман ёки шаҳар миқёсида хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизматларига кафолатли талаб тизимини шакллантириш худудий меҳнат бозорида иш кучига талабни ортишига хизмат қилади. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг аксарияти турдош корхоналар, бозор инфратузилмаси корхоналари хизматларидан фойдаланишини назарда тутиш керак. Бунинг натижасида ушбу шериклар ҳам ишчи кучига талабни ошириш имконига эга бўладилар. Қўшимча иш ўринлари ташкил этишнинг бундай механизминини яратиш ва у самарали амал этишини таъминлаш мазкур дастур амалга оширилаётган

худудда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хажмларини ошириш, демак, кўшимча иш кучига талабни шакллантиришнинг энг таъсирчан воситасидир.

Жахон молиявий-иқтисодий инқироzi, унинг мамлакат меҳнат бозорига таъсири оқибатларини бартараф этиш учун айрим муаммоларни ҳал қилиш талаб этилмоқда.

Биринчидан, янги иш ўринларини яратиш давлат бошқарув органларининг барча бўғинларида бош стратегик вазифа ҳисобланади. Кейинги йиллар амалиёти янги яратилган иш ўринлари дастлабки йилдаёқ тугатилиши ҳоллари учраётганидан далолат беради. Бу эса янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни амалга оширишга комплекс ёндашилмаётганлиги оқибатидир. Жойларда кўпроқ микдорий кўрсаткичлар кетидан қувишга ҳаракат қилинаётганлигини кузатиш мумкин. Бу муаммолар қатор бошқарув органлари мутасаддиларида ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун билим ва тажриба етишмаётганлигини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, кичик ва хусусий корхоналар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими шу кун талабидан орқада қолаётганлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича мамлакат иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллаётган ушбу хўжалик юритувчи субъектлар мулк эгаларининг 90 фоизи ўз корхоналарида ёлланма ходимлар малакасини оширишга эътиборсизлик билан қараётганларидан далолат бермоқда. Шу билан бирга мулк эгаларининг ўзлари ҳам бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаб чиқаришга малакали раҳбарлик қилиш учун ўз билим даражаларини оширишга эътиборсизлик билан қарашаётганлигини кўрсатмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда бошқарув органлари, айниқса, маҳаллий ҳокимият идоралари олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда худудларда жойлашган, техника ва иқтисод соҳасига ихтисослашган касб-хунар коллежларида кичик бизнес раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар, ёлланма ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш бўйича амалий чоралар кўришлари лозим.

Бу жиддий муаммога зарур даражада эътибор берилмаслиги туфайли давлат томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар янги ташкил қилинган хусусий корхона раҳбарлари билими даражаси етарли эмаслиги ҳамда тажрибасизлиги оқибатида қайтарилмай қолиши, шунингдек, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ҳам обрўсизлантириб қўйиши мумкин.

Молиявий - иқтисодий инқироз шароитларида мамлакатда ишчи кучининг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор бериш зарур. Бунинг учун Инқирозга қарши чоралар дастури асосида амалга оширилаётган ўзгартиришлар йўналиши ва параметрларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлаш дастурларини чуқур таҳлил этиш, зарур ҳолларда уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилмоқда.

Хозирги вақтда иқтисодиётни реал сектори, айниқса, экспортчи корхоналарни жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари тармоғини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини модернизация қилиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда вилоятимиз таълим муассасаларида, биринчи навбатда, касб-хунар коллежларида малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг миқдори ва ихтисослик йўналишлари бўйича тегишли чора тадбирлар белгиланиши керак. Бунда касб-хунар коллежларини ҳудудларда жойлаштириш, уларда тайёрланаётган мутахассислар таркиби чуқур таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Хар бир касб-хунар бўйича мутахассислар тайёрлашни корхоналар буюртмалари асосида олдиндан шакллантириш лозим.

Худудлардаги иш билан бандликка қўмаклашиш марказлари ўз туман ва шаҳар меҳнат ресурсларининг баланси тўғрисидаги ишончли маълумотга эга бўлишлари жуда муҳим. Улар худудий меҳнат бозоридаги конъюнктурага қараб ҳамда йил мавсумини ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш башоратларини ишлаб чиқишлари керак. Бунинг учун бу марказлар биргина ўз туман ва шаҳарлари бўйича эмас, балки қўшни

худудлар, умуман, Ўзбекистон бўйича ана шундай ишончли маълумотлар билан таъминланиши лозим. Шунингдек, бандликка кўмаклашиш марказлари жаҳон ва минтақавий меҳнат бозоридаги конъюктурадан тезкор хабардор бўлишлари талаб этилмоқда. Улар турли мамлакатлардан ҳар бир ихтисослик ва касб-хунар бўйича ишчи кучига эҳтиёж тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишлари, фуқаролардан бу хусусида сўровлар тушган ҳолда уларга батафсил ахборот беришлари лозим.

Юқорида қайд этилган чора тадбирларни амалга ошириш вилоятимизда ишсизликни камайтириш, иш билан бандликни ошириш ҳамда бу орқали аҳоли турмуш даражасини юксалиши ва фаравонлигини таъминланишига асос бўлади.

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Янги иш ўринларини ташкил этиш ва меҳнат ресурсларини бандлигини ошириш йўналишлари

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ, 956,2 мингта иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Ҳақиқатда эса 970,9 мингта иш ўрни яратилди ёки дастур ижроси 1,5 фоизга ортиғи билан бажарилди.

Мамлакатимизда янги иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2011 йилда республикада 950 мингта ортиқ иш ўрни ташкил этилган (10.3.1-жадвал).

3.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида яратилган иш ўринлари сони, бирлик

Т/р	Йўналишлар	Йиллар		
		2010	2011	2012 дастур
	Барча йўналишлар бўйича яратилган янги иш ўринлари, жами (иш ўрни)	950 001	956 247	967464
	шу жумладан:			
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш	56 316	57469	57874
2.	Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш	347 408	365888	365897
	шундан:			
2.1.	саноатда	52 882	54941	55921
2.2.	қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан, уй- жой қурилиши ва таъмирлаш	43 632	43863	43988
3.	Яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	129 177	111871	117180
4.	Уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш	207 972	216165	217188
I	II	III	IV	V

I	II	III	IV	V
4.1.	шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида касаначилик	62 518	55357	-
5.	Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқалар)	127 732	122399	122737
6.	Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	61 320	72850	72994
7.	Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш	8 889	9605	13594
8.	Бозор инфратузилмасини ривожлантириш	11 187	-	-

** Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.*

3.1.1-жадвалда келтирилган статистик маълумотлар юртимизда ташкил этилган иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ҳамда уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш ҳисобидан яратилганидан далолат беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг қуйидаги асосий йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши тасдиқланган прогноз параметрларни бажаришга имкон берди:

а) 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг тармоқ дастурлари, 2011 йилги Инвестиция дастури, 2011-2013 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури, ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида энг муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида 48,9 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Ташкил этилган корхоналар ва иш ўринларининг асосий қисми енгил, тўқимачилик, автомобиль, кон-металлургия, нефть ва газ ҳамда кимё саноати тармоқларига тўғри келди. 2011 йилда мамлакат бўйича 828 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан озиқ-овқат саноатда (279 та), қурилиш материаллари

ишлаб чиқариш соҳасида (234 та), енгил саноатда (201 та), ёғочни қайта ишлаш саноатида (36 та), машинасозликда (12 та), кимё (8 та), фармацевтика (3 та) саноатида ва бошқа саноат тармоқларида (55 та) ишга туширилди.

б) «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури, кичик бизнесни ривожлантириш ҳудудий дастурлари чора-тадбирларини амалга ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, айниқса кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзлари бериш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш, кредитлашни ва моддий хомашё ресурсларини олиш имкониятларини кенгайтириш ҳисобидан кичик бизнесда (кичик корхоналар ва микрофирмалар) 296,1 мингта, хусусий тадбиркорликда 89,7 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Кредит билан қўллаб-қувватлашнинг кенгайтирилиши тадбиркорлик субъектларининг иш ўринлари ташкил этиш бўйича молиявий имкониятларини анча кенгайтириш имконини берди. Чунончи, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 3,1 триллион сўмни, шу жумладан, имтиёзли микрокредитлар 613,3 миллиард сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар кўп. Бунда 20,9 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудлардаги тадбиркорларга, 251,9 миллиард сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, 20,3 миллиард сўм ўзининг тадбиркорлик ишини ташкил этиш учун касб-хунар коллежларининг битирувчиларига берилди.

в) касаначилик меҳнатини ривожлантириш бўйича қатор каттагина имтиёз ва преференциялар, шу жумладан, касаначиларга буюртмаларни, ускуналарни, хом ашёни, асбоб ва жиҳозларни имтиёзли равишда бериш шартларини, касаначининг уйдаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартибини, корхоналарни касаначиларга тўланадиган маблағ миқдорида иш ҳақи жамғармасидан ягона ижтимоий тўловдан озод этишни кўзда тутадиган ҳуқуқий ва норматив база яратилгани касаначиликнинг барча турларини

ривожлантириш ҳисобидан 191,9 мингта иш ўрнини ташкил этиш имконини берди.

Ўтган даврда касаначилар билан ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларига саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳасидаги 5,4 мингдан ортиқ корхона жалб этилган бўлиб, уларда касаначилар билан кооперация асосида меҳнат шартномалари бўйича 55,8 минг кишининг бандлиги таъминланди.

Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари 136,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаш имконини берди.

г) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастурини амалга ошириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш 120,8 мингта иш ўрни, шу жумладан, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликка ихтисослашган хўжаликларда 35,4 мингта, боғдорчиликда ва иссиқхона хўжаликларида 37,8 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.

Фермер хўжаликларида мева-сабзавот ҳамда гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашни ташкил этиш, 56,4 минг тонна сиғимга эга бўлган 55 та совутиш камерасини қуриш ва реконструкция қилиш 19,7 минг кишини меҳнат фаолиятига жалб этиш имконини берди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришбўйича ихтисослаштирилган деҳқон хўжаликлари сонининг кўпайиши 27,9 мингта иш ўрни ташкил этишга ёрдам берди.

д) 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги дастурни, ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга ошириш 59,7 мингта иш ўрни яратишга олиб келди. Шундан 20,2 мингта иш ўрни автомобиль ва темир йўл, газ ва сув қувурларини ўтказиш ҳамда реконструкция қилиш объектларида, коммунал хўжалигининг бошқа объектларида, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, шунингдек Ўзбек миллий

автомагистрالي йўл бўйи инфратузилмасини ва сервис объектларини ривожлантириш ишлари ҳисобидан ташкил этилди. Ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларининг қурилиши ва ишга туширилиши 39,5 мингта иш ўрни яратилишини таъминлади.

е) Ишламаётган корхоналарнинг, шу жумладан, тижорат банклари балансларига олинган банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш 8,3 мингта иш ўрнини қайта тиклашга имкон берди.

3.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида яратилган иш ўринлари сони
динамикаси (бирлик)*

Ҳудудлар	Й и л л а р				2011 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариш	
	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	28602	48064	48118	48362	19760	169,1
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	55670	77889	77902	78292	22622	140,6
Бухоро	54266	72904	72998	73363	19097	135,2
Жиззах	29566	43297	43317	43515	13949	147,1
Қашқадарё	59191	85734	86444	86890	27699	146,8
Навоий	30139	39870	40321	40596	10457	134,7
Наманган	49672	70762	71039	71778	22106	144,5
Самарқанд	63570	91712	92020	92700	29130	145,8
Сурхондарё	44296	63686	63706	64644	20348	145,9
Сирдарё	28660	37899	37920	38623	9963	134,7
Тошкент	52719	85333	85500	86000	33281	163,2
Фарғона	63286	90050	91173	91246	27960	144,1
Хоразм	37110	59192	59182	59575	22465	160,5
Тошкент ш.	64159	74140	80361	80663	16504	125,7
Республика бўйича	660906	940532	950001	956247	295341	144,6

* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Хусусан, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари балансларига жами 163 та банкрот корхона қабул қилинган бўлиб, улардан 92 таси янги мулкдорларга реализация қилинган, 54 тасида таъмирлаш-тиклаш ишлари давом этмокда, 12 тасида эса модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш

фаолиятини қайта тиклаш амалга оширилмоқда. Бунда 54 та корхона негизда бирлаштириш ва қайта ташкил этиш йўли билан 45 та янги корхона ташкил этилди.

Республика ҳудудларида иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда (10.3.2-жадвал).

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурларининг амалга оширилиши иш билан банд бўлиш эҳтиёжи юқори даражада бўлган ҳудудларда, чунончи, Самарқанд (78,3 минг), Фарғона (77,8 минг), Андижон (75,2 минг), Қашқадарё (72,6 минг), Тошкент (70,4 минг), Бухоро (59,9 минг) ва Наманган (59,4 минг) вилоятларида иш ўринларини кўпайтиришга ёрдам берди.

Меҳнат ресурслари ортиқча бўлган 32 та туман ва шаҳарда аҳоли бандлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди, уларда 118,3 мингта ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан 4,2 фоиз кўп иш ўрни ташкил этилди.

Дастурни рўёбга чиқариш доирасида 2011 йилда бўш турган ва янги ташкил этилган иш ўринларига 487,3 минг киши ишга жойлаштирилди, улардан 215,7 минг нафари аёллар, 347 минг нафари қишлоқ туманларида яшовчилардир. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан ишга жойлаштирилганларнинг кўпчилигини биринчи марта иш қидираётганлар, шунингдек, ўз хоҳишига кўра ва корхоналар қайта ташкил қилиниши ҳамда тугатилиши муносабати билан ишдан бўшаганлар- 241,9 минг киши, касбий маълумотга эга бўлган шахслар - 214,9 минг киши, 30 ёшгача бўлган ёшлар - 262,1 минг киши ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган иш ўринлари сони кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга ёрдам беради.

3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали меҳнат ресурсларидан самарали фойдалаш

Бугунги кунда республикамиздаги устувор йўналишлардан бири - аҳоли бандлигини ошириш, ишчи кучидан мақсадли фойдаланиш, фойдали меҳнатга лаёқатли аҳолининг илмий салоҳиятини оширишга қаратилмоқда.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролига алоҳида эътибор бериб, “Ҳисобот йилида янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди.”²⁸, - деб алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда (3.2.1-жадвал).


²⁸ 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434)

3.2.1-жадвал

Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши

Кўрсаткичлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари, минг киши	661	940,5	950	1000
шу жумладан:				
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда, минг киши	374,3	391,8	600	640
Фоиз ҳисобида	57,0	41,7	65	64
Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоизҳисобида	72,7	74,2	74,3	74,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, шундан қарийб 600 минги кичик бизнес ҳиссасига тўғри келган. 2011 йилда эса бир миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий



3.2.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши.

тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди. 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида мамлакатимизнинг иқтисодиётида банд бўлган жами аҳолининг 74,8 фоизи фаолият кўрсатди (3.2.1-расм).

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес субъектларининг бандликдаги улуши 2000 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 74,8 фоизга етди ёки 2000 йилга нисбатан 25,1 фоизга кўпайди. Бу эса кичик бизнес субъектларининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, "...Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2012 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури барчамизнинг диққат марказимизда туриши зарур. Ушбу дастурга биноан 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштириш, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шакллари, шунингдек оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчамизнинг жиддий ва доимий эътиборимиз марказида туриши зарур. Бу йил юртимизда 516 минг нафардан зиёд йигит-қиз коллеж ва лицейларни тамомлайди. Уларнинг қаерга ишга жойлашишини ҳозирданок аниқ белгилаб

олиш, корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ундан сўнг ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаш – бундай масалаларни алоҳида назоратга олиш лозим”²⁹, – деб таъкидлади.

Статистик маълумотлар кўрсатишича, бугунги кунда республикамизда жами банд бўлганларнинг 20 фоизи давлат, 80 фоизи нодавлат, шунингдек, 74 фоизи хусусий соҳада меҳнат қилмоқда. Ушбу статистик рақамлар таҳлили давлат корхоналарида ишловчиларни сони қисқариб, хусусий соҳада бандликни ортиши юз бераётганлигини кўрсатади. Бу эса республикамиз ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши, шунинг асносида аҳолининг бандлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги даражасини ошириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

- иқтисодиётни ривожлантириш негизида янги иш ўринлари яратилмоқда;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар очилиб, бу фаолият қизгин қўллаб қувватланмоқда;
- аҳолининг меҳнат фаоллигини, оилавий ижара, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш негизида аҳолининг ўзини-ўзи иш билан банд қилиш даражаси оширилмоқда;
- аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш ёки ихтисосини ўзгартириш ишлари олиб борилмоқда.

²⁹ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўнашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

Бизнинг фикримизча, ишчи кучига талабни ошириш бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бунга энг аввало мулкчилик шакллари ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини кўтариш, солиқларни оқилона белгилаш орқали эришилади.

Муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш, илғор технологияларни тадбиқ этиш, бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати тармоқларининг асосий маҳсулотларига давлат буюртмасини белгилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Бу тадбирлар қўшимча иш жойларини ташкил қилишда энг кам инвестицияни назарда тутди ва ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини маблағлар билан таъминлашнинг манбалари бўлиб маҳаллий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари хизмат қилади. Бугунги кунда айниқса, минтақаларда аҳоли бандлиги, ишлаб чиқаришни ишчи кучи билан таъминлаш масалаларини ўрганишни ҳаётни ўзи тақозо этмоқда.

Республикамызда меҳнат биржаси ва бандлик хизматининг бошланғич ташкилотлари ташкил этилиб, улар ишсизлик ва бўш ўринлар миқдори ва тузилишининг ҳисоб-китоби, таҳлили ва келажаги, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва қайта ўқитиш, бандликка кўмаклашиш жамғармасини ташкил қилиш ва сарфлаш ишлари билан шуғулландилар, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик доирасида имтиёзли кредитларни ажратиш йўли билан янги иш жойларини яратишга муайян молиявий ёрдам кўрсатилди. Иқтисодиёт тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида

таркибий ислохотлар амалга оширилиб ходимлар ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва бошқалар.

Кейинги 10 йил давомида ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланди.

Юқоридагиларга асосланиб, республикамиз ва унинг минтақаларида аҳолининг бандлигини ошириш, ишчи кучидан самарали фойдаланишда куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- маълумки, мамлакатимизда аҳолининг 62,5 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Шунга мувофиқ меҳнатга яроқли аҳолининг ҳам шунча қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади. Шунинг учун қишлоқ аҳолисининг фаолияти соҳалари ва турларини кенгайтириш талаб қилинади;

- айти пайтда бугун алоҳида муҳим аҳамият касб этадиган яна бир масала – ёшларни, бўлғуси кадрларни тайёрлаш сифати билан боғлиқ. Табиийки, бу борада педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни ислоҳ қилиш тизимининг энг долзарб вазифаси бўлмоғи зарур. Лицей ва коллежларимизда таълим жараёнларига олий ўқув юр்தларининг тажрибали амалиётчи ва ўқитувчиларини янада кенг ва фаол жалб этиш лозим;

- ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозори фаолиятини йилдан йилга кенгайтириб бориб, улар томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказилишини таъминлаш зарур;

- ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш лозим;

- республика ва унинг минтақаларида янги иш жойларини ташкил этиш, аҳоли бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш

салоҳиятиданмақсадли фойдаланиш бўйича чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш зарур;

- аҳолини оқилона бандлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастурларнинг мониторингини мунтазам олиб бориш лозим;

- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш керак;

- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лозим;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали маҳаллий ва хорижий техника ва технология билан таъминлаш даркор;

- меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлиги жараёнларини тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш лозим.

Шу билан бирга мамлакат меҳнат бозори ривожланишида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими меҳнат ресурсларининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммосидир.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисида умуман аҳолини, шу жумладан ёшларни иш билан таъминлаш, жумладан, шаҳар, вилоятлардаги ёшларни коллежни битирганларидан сўнг ўз соҳалари бўйича иш топишларини таъминлаш борасида мақсадли режалар тайёрлаш ва уни амалга ошириш масалаларини ўрганиб чиқишни, “корхона-коллеж” алоқаларини йўлга қўйишни қўллаб-қувватлашни таъкидладилар.

Меҳнат бозорида ёшлар гуруҳининг бошқа гуруҳларга қараганда бетакрорлиги шундаки, айнан ёшлар меҳнат бозорига илк бора кириб борадилар. Улар мобил, янгиликка тез ўрганувчан, ўз кучига ишонувчан, лекин ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида бажарилаётган ишлардаги хатоликлар ва камчиликлар уларнинг соҳаларига мос иш

топишлари, ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун етарли иш ҳақи билан таъминланмасликларига олиб келади. Ҳозирги даврда ёшларни иш билан таъминлаш борасида бир қанча муаммолар мавжуд, жумладан:

- кўпчилик ёшлар ўзлари ҳали қандай фирма ёки компанияда ишлашни хоҳлашларини кўз олдиларига келтира олмайдилар, яъни қандай ишни танлашни аниқ билмайдилар;

- ёшлар ҳам, давлат ҳам ўқитиш вақтида анча вақтни оладилар, лекин шунга қарамасдан олий ўқув юртларида олинган билим ҳамма соҳада ҳам етарлича бўлавермайди;

- ёшларнинг меҳнат бозорида рақобатбардош эмаслиги натижасида иш берувчилар уларни ёллашни хоҳламайдилар, кўпинча улар камида 3 йиллик иш стажига эга бўлганларни олишни хоҳлайдилар.

Бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ёшларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароитлар яратилмоқда. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажақда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартномалар тузиш йўлга қўйилди. Мазкур келишувлар асосида 2011 йилда 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди.

Мамлакатимизнинг ёшлар меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш мақсадида уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;

- ёш тадбиркорларга молия-кредит ва хом-ашё ресурсларини олишларида ёрдам бериш тизимини шакллантириш;

- ёш тадбиркорлар учун солиқ имтиёзларини кенгайтириш;

- уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш;

- ёш тадбиркорларни бозор конъюнктураси, хом-ашё ва молиявий ресурслар бозори бўйича ахборот билан таъминловчи инфратузилмани шакллантириш;

- ёш тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва бошқалар.

2012 йилда мамлакатимизда 967,5 минг иш ўринлари яратиш мўлжалланган бўлиб, шундан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш ҳисобидан 57,9 минг иш ўрни, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобидан 365,9 минг иш ўрни, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 117,2 минг иш ўрни, уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан 217,2 минг иш ўрни, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобидан 122,7 минг иш ўрни, ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан 73 минг иш ўрни, ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобидан эса 13,6 минг иш ўрни яратилади(5.2.2-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2012 йилда мамлакатимизда жами 967,5 мингта янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланган бўлиб, уларнинг қарийб ярмини кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиши якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади.

Ўзбекистон Республикасида 2011-2012 йилларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури (минг киши)

T/p	Йўналишлар	2011 йил	2012 йил
	Иш ўринларини ташкил этиш, жами	956, 2	967,5
	шу жумладан, қуйидагилар ҳисобидан:		
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш	57,5	57,9
2.	Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш	365,8	365,9
3.	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	111,9	117,2
4.	Касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш	216,1	217,2
5.	Фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик)	122,4	122,7
6.	Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш	72,9	73,0
7.	Ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш	9,6	13,6

Аҳоли таркибидан маълумки, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар ичида битирувчи ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Таълимни ривожлантириш ислохотлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида республикада ёшларнинг касб-хунар коллежларига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Шунга мос равишда коллежларни битирувчилар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда (3.2.3-жадвал).

3.2.3-жадвал

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиш ҳолати, минг киши

Худудлар	Битирувчилар сони				Ишга жойлашганлар сони			
	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Ўзбекистон Республикаси	238,4	332,3	400,9	430,3	227,9	268,2	326,8	391,3
Қорақалпоғистон Республикаси	19,3	28,6	30,7	31,6	18,1	24,9	27,4	28,7
вилоятлар:								
Андижон	23,3	29,1	33,5	35,4	22,2	24,3	26,9	32,2
Бухоро	11,3	16,8	21,1	23,4	11,2	13,3	17,2	20,2
Жиззах	8,9	12,5	15,1	16,2	8,7	12,0	13,0	14,7
Қашқадарё	18,8	28,4	30,9	33,1	18,5	22,8	25,5	30,1
Навоий	7,9	11,1	13,9	15,8	7,6	10,0	11,9	14,4
Наманган	18,2	25,7	33,6	35,1	17,5	23,8	27,2	31,9
Самарқанд	24,2	34,4	43,8	49,6	23,2	31,5	35,1	44,2
Сурхондарё	16,7	22,9	27,5	29,5	15,5	13,2	21,1	26,8
Сирдарё	6,4	9,4	12,2	13,1	5,9	8,3	10,4	11,9
Тошкент	16,0	22,6	31,2	33,4	15,3	18,1	25,9	30,3
Фарғона	23,7	34,2	42,2	44,3	21,6	27,6	34,2	40,3
Хоразм	16,2	22,0	24,4	26,2	15,1	15,8	18,0	23,8
Тошкент ш.	27,3	34,4	40,9	43,6	26,9	22,3	33,0	41,8

3.2.3-жадвалдан кўриниб турганидек, 2008 йилда касб-хунар коллежларини 238,4 минг нафар ёш битириб чиққан бўлса, 2011 йилда уларнинг сони 1,8 мартага ошиб, уларнинг сони 430,3 минг нафарни ташкил этган. Шу ўринда айтиш керакки, касб-хунар коллежини битирувчилар сони ошиши билан бир қаторда улардан ишга жойлашганлар улуши ҳам ортиб бормокда. Жумладан, 2008 йилда битирувчиларнинг 95,6 фоиз, 2009 йилда 80,7 фоиз, 2010 йилда 81,5 фоиз қисми ишга жойлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 90,9 фоизга тенг бўлган.

Касб-хунар коллежлари фаолиятидаги энг заиф бўғин ҳисобланган ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

1) 9-синф битирувчилари касб-хунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш;

2) Ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш;

3) Касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш.

Шу билан бирга, бугунги кунда касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида корхоналарда квотали иш ўринлари шакллантирилмоқда; меҳнат органлари касб-хунар коллежлари билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бормоқда; касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир туман ва шаҳар бўйича коллежларнинг битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш юзасидан аниқ мақсадли режаларни тайёрламоқда ва уларни амалга оширмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

-кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;

-уй меҳнати (касаначилик)ни ривожлантириш;

-янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш;

-ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;

-фермер ва аҳоли хўжаликлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, интенсив технологияларни жорий этиш;

-ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш, молиявий соғломлаштириш ва бошқалар.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш жараёнида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги иш жойлари ташкил этишни бошқариш ва уни ривожлантириш, қишлоқ жойларида турли мулкчилик шакллари расман вужудга келтириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш, саноат меҳнатига мўлжалланган иш жойларини кўпайтириш, кадрлар малакаси ва рақобатбардошлигини ошириш, интенсив техника ва технологияни қўллаш, малакали меҳнат бозорини шакллантириш, иш жойлари ташкил этишни бозор механизми услубиятларини қўллаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни муҳим сифат ўзгаришларини, пировард натижага асосланган мақсадли йўналишини ифодаламакда. Юқоридаги жараёнлар оддий ўзгаришлардан иборат бўлиб қолмай, балки илмий асосланган, илмий техника ютуқлари, ривожланган мамлакатлардаги иш жойлари ташкил этишни сифат жихатдан такомиллаштиришнинг самарали тажрибаларига суяниш, ўрганилган ва ечилиши зарур бўлган муаммоларни ҳал қилишни жадаллаштириш имконини бериш билан ажралиб туради.

Наманган вилоятида меҳнат ресурслари миллий иқтисодиёт тармоқларида, жумладан қишлоқ хўжалигида кенг бандлиги, вилоят иқтисодиёти тармоқлари кадрлар билан таъминланганлиги, ишчи кучидан фойдаланишда ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг таркиб топганлиги, меҳнат бозорининг шаклланганлиги, ишчи кучидан фойдаланиш даражаси кенглиги кўзга ташлансада, лекин иш жойлари етишмаслиги, ишчи кучининг хўжаликни ташкил этиш ва бошқариш услуби, дунёқараши бўшлиги билан ифодаланмокда.

Наманган вилоятида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш дастурлари ижросини таъминлаш учун куйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- маълумки, мамлакатимизда аҳолининг 62,5 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Шунга мувофиқ меҳнатга яроқли аҳолининг ҳам шунча қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади. Шунинг учун қишлоқ аҳолисининг фаолияти соҳалари ва турларини кенгайтириш;

- маҳаллий Кенгашлар, доимий комиссиялар ва турли даражадаги депутатлар ҳудудий дастурда белгиланган йўналишлар бўйича янги иш ўринларини яратишнинг манзилли ижросини таъминлаш, бунда айниқса, инфратузилмани ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, замонавий минитехнологияларни жорий этган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш каби чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим;

- хўжалик бирлашмалари тармоқни ривожлантириш дастурлари доирасида йирик лойиҳаларни амалга ошириш, инвестицияларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш. Айниқса, бунда иш ўринларининг стационарлик хусусиятларини таъминлашга устивор вазифа сифатида қараш;

- ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва хўжалик юритувчи субъектлар бўйича иш жойлари яратилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш;

- меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган ҳудудларда кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, аҳоли уй-хўжалигини қўллаб-қувватлаш орқали янги иш жойларини яратишга бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг устувор ажратилишини таъминлаш;

- туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказларининг касб-хунар коллежларининг битирувчилари ва муддатли харбий хизматни тугаллаб келганларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ихтисослаштирилган иш жойлари ярмаркалари ўтказиш чора-тадбирларини фаоллаштириш;

- мулкчилик ва хўжалик шакли, идоравий бўйсинишидан қатъи назар корхона ва ташкилотларда ишга қабул қилиш, касб-хунар коллежлари

битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан меҳнат қонунчилигига катъий риоя этилишини назорат қилиб бориш ва текшириш.

- бозорда рақобатбардош, юксак экспорт салоҳиятига эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий, юқори унумли техник жихозлар ва технологиялар билан таъминланган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва янгиларини барпо этиш;

- бозор конъюктурасига тез мослаша оладиган, ишлаб чиқариш хажми бўйича унча катта бўлмаган корхоналар барпо этишга, бу корхоналарда маҳсулот турларини қисқа муддатда кўпайтириш имконини берадиган мослашувчан технологияларни жорий қилишга;

- янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишда асосан маҳаллий хом ашё ва моддий ресурслардан фойдаланишни назарда тутишга. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида кичик корхоналар ташкил этиш чора тадбирларини кўриш ўта муҳим. Бу корхоналарда устувор равишда қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш талаб этилади.

- ёш тадбиркорларга молия-кредит ва хом-ашё ресурсларини олишларида ёрдам бериш тизимини шакллантириш;

- уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш;

- ёш тадбиркорларни бозор конъюктураси, хом-ашё ва молиявий ресурслар бозори бўйича ахборот билан таъминловчи инфратузилмани шакллантириш;

- ёш тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва бошқалар.

Худудий меҳнат бозори доирасида янги иш ўринларини яратиш бўйича дастурларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органлари муайян корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот ёки кўрсатаётган хизматнинг истеъмолчиси сифатида майдонга чиқишлари мумкин. Бугунги кунда аниқ бир тадбиркорни қўллаб-қувватлашнинг энг асосий кафолати у томонидан

ишлаб чиқарилган маҳсулотни ишлаб чиқариш сарф-харажатларини қоплайдиган ҳамда фойданинг ўртача меъёрини шакллантирадиган нархда сотиб олишдир. Муайян туман ёки шаҳар миқёсида хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизматларига кафолатли талаб тизимини шакллантириш ҳудудий меҳнат бозорида иш кучига талабни ортишига хизмат қилади.

Янги иш ўринларини яратиш давлат бошқарув органларининг барча бўғинларида бош стратегик вазифа ҳисобланади. Кейинги йиллар амалиёти янги яратилган иш ўринлари дастлабки йилдаёқ тугатилиши ҳоллари учраётганидан далолат беради. Бу эса янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни амалга оширишга комплекс ёндашилмаётганлиги оқибатидир. Жойларда кўпроқ миқдорий кўрсаткичлар кетидан қувишга ҳаракат қилинаётганлигини кузатиш мумкин. Бу муаммолар қатор бошқарув органлари мутасаддиларида ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун билим ва тажриба етишмаётганлигини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, кичик ва хусусий корхоналар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими шу кун талабидан орқада қолаётганлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича мамлакат иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллаётган ушбу хўжалик юритувчи субъектлар мулк эгаларининг 90 фоизи ўз корхоналарида ёлланма ходимлар малакасини оширишга эътиборсизлик билан қараётганларидан далолат бермоқда. Шу билан бирга мулк эгаларининг ўзлари ҳам бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаб чиқаришга малакали раҳбарлик қилиш учун ўз билим даражаларини оширишга эътиборсизлик билан қарашаётганлигини кўрсатмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда бошқарув органлари, айниқса, маҳаллий ҳокимият идоралари олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ҳудудларда жойлашган, техника ва иқтисод соҳасига ихтисослашган касб-хунар коллежларида кичик бизнес раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар, ёлланма ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш бўйича амалий чоралар кўришлари лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Президент Фармонлари ва асарлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Ўзбекистон”, 2009.-11 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни. –Т.: Адолат, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. –Т.: “Ўзбекистон” , 1996. 263-б.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги “Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида”ги 223-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. Расмий нашр. 2001 й. №10.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар бош сонини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
6. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлик кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил. 25 май.
7. Хусусий корхона тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2003 йил. 11 декабрь. // Ўзбекистон Республикаси Қонунлари тўплами. -2004. №3, –б.3-8.
8. Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 21 январь, 1994.
9. Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1995 йил. 5 январь.

10. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1998 йил. 9 апрель.

11. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2000 йил, 25 май.

12. Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2003 йил. 24 январь.

13. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-1987-сонли Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида. 2003 йил. 30 августъ.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2005 йил. 14 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. - 2005. №23-24 (159-160). –6.7-9.

15. Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1995 йил. 14 февраль.

16. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1995 йил. 28 августъ.

17. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 57-сонли Қарори. 2000 йил. 17 февраль.

18. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2003 йил. 20 августъ.

19. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.

20. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси.

21. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. – “Халқ сўзи” газетаси.

22. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

23. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.

24. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998.

25. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

26. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир.—Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

27. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

28. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

29. Каримов И.А. ”Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

II. Китоблар ва рисоалар

30. Абдурахманов К.Х., Абдуллаев А.М., Дадабаев Ш.Х.. Региональная экономика и управление. Изд. “Fan va texnologiya”. – Т.: 2007. – 751 с.

31. Абдурахманов К.Х., Шарифулина Т.А. Экономика и социология труда. – М.: Российская экономическая академия, 2002. – 263 с.

32. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. -Т.: Меҳнат, 2004.-67 б.

33. Абдурахмонов Қ.Х., Муртазоев Б.Ч. Меҳнат бозори. –Т.: ТДИУ, 1999. – 100 б.

34. Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. -Т.: ТМИ, 2005. -219 б.

35. Агабекян Р.Л., Авагян Г.Л. Современнқе теории занятости. 2-е, перераб., доп. изд. – М.: Юнити-Дана, 2001. – 190 с.

36. Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокин М.Е. Экономика и социология труда: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1999. – 407с.

37. Артыкова Д.А. Формирование занятости населения в Республике Узбекистан. - Т.: Фан, 2005. –С. 138.

38. Бобков В.Н., Бреев Б.Д., Буланов В.С. и др. Рынок труда: Учебник для вузов (под ред. Буланова В.С., Волгина Н.А.) Изд. 2-е, перераб., доп. – М: Экзамен, 2003. – 480 с.

39. Буланов В. Рынок труда. Учебник. – М: Экзамен, 2004. – 479 с.
40. Владимирова Л. П. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. – М: Дашков и К, 2005. – 400 с.
41. Генкин Б. М. Экономика и социология труда. Учебник для вузов. - М.: Издательская группа НОРМА – ИНФРА. М, 1998, - 384 с.
42. Горелов Ю., Руденко Г.Г., Бабыниния Л.С. Экономика труда. Учебник. –М.: Питер, 2007. – 704 с.
43. Гужина Г. Экономика и социология труда.-М:КноРус, 2007. – 325 с.
44. Иванова В.Н. Управление занятостью населения на местном уровне: Учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по экон. специальностям. -М.: Финансы и статистика, 2002. – 192 с.
45. Карташов С.А., Одегов Ю.Г. Рынок труда. –М.: ЗАО "Экономика", 1998. -54 с.
46. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 1999.- С.352.
47. Кибанов А.Я., Дурякова И.Б. Управление персоналом организации. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2007. –С. 301.
48. Козимов К.Т. Рынок труда и занятость населения. Учебное пособие. -М.: Перспектива, 2005. –С. 368.
49. Колоснищина М. Экономика труда. -М: Академкнига, 2003. –240с.
50. Костин Л.А. и др. Рынок труда и теория занятости. –М.: 1997. – 430 с.
51. Максакова Л. Демографические проблемы занятости в Узбекистане. - Т.: »Узбекистан», 1989.
52. Нарзикулов Н.Р., Мухамедова О.Х., Бокиева И.А. Инсон ресурслари иқтисодиёти. –Т.: ТДИУ, 2004. -192-б.
53. Попазова О.А. Экономика труда. – М.: Вектор, 2005. – 192 с.
54. Рынок труда. Учебник. / под редакции В.С. Буланова и Н.А. Волгина. – М.: Экзамен, 2007. –С. 479.

55. Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики. -М.: Инфра-М, 1996. – 336 с.

56. Смит А. Исследование о природе и причине богатств народов. – М: 1962, с 332.

57. Соколова М.И., Дементьева А.Г. Управление человеческими ресурсами: Учебник для вузов. Издательство: -М: Проспект, 2005. -240с.

58. Эргашев Т. Бозор иқтисодиёти. Дарслик.-Т.:Ўқитувчи, 2002. -208 б.

59. Эргашев Т., Исматов Р. Иқтисодий саводхонлик асослари. –Т.: Шарқ, 2001. -176 б.

60. Худайбердиев З. Р. Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида меҳнат бозори: назария ва амалиёт масалалари. -Т.: “Молия”.2008.-192-б.

61. Юлдашев М. Региональные факторы формирования рынка труда. – Т.: СПбУ Экономики и финансов, 1993.

62. Юлдашев М., Хужаев Н. Безработица, занятость, рынок труда и их моделирования. –Т.: 1993.

III. Диссертация ва авторефератлар

63. Рахимова Д.Н. Управление процессами развития трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. Автореф.дисс. на соис. Уч. ст. докт. экон. наук. –Т.: 2000, -с.39

64. Чернейко Д.С. Формирование рынка труда: вопросы теории и методологии. Автореф.дисс. на соис. Уч. ст. докт. экон. наук. –СПб.: 1199, -с.44

IV. Рўзнома ва журналдаги мақолалар

65. Абулқосимов Х. Иш Билан бандлик муаммоси.// Жамият ва бошқарув, 2001, №1.

66. Ортиқова Д. Меҳнат бозори таклифларидан самарали фойдаланиш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2000.№2.

67. Котляр А. Теоретические проблемы занятости остаются актуальными.//Человек и труд. 1995.№5.

68. Котляр А.Э. Занятость как социальная и производственная категория. // Аналитический вестник. –М.: 1998. №11.

V. Интернет сайтлари

69. www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитасининг расмий сайти.

70. www.ceep.uz.- Ўзбекистон Республикаси қтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.

71. www.bearingpoint.uz.- USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform.

72. www.internetindicators.com.- Иқтисодий индикаторлар интернет веб-сайти.

73. www.iscti.ru.

74. www.bank referatov.ru

VI. Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган мақолалар

75. Растригина Е., Исматов Р. «Персонални бошқариш тизимини такомиллаштириш»//Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, тажриба ва истиқболлар.- Наманган 2011, - 5бет

76. Растригина Е. «Динамика трудовых ресурсов Наманганской области» // НамДу илмий ахборотлари 2012й.

77. Растригина Е., Боймирзаева Ф. «Надомный труд - новый виток предпринимательства»// Бизнес: аудит, баҳо, мулк. 2010й. №198. – 24 бет.